O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUB PALATA

АЁЛ БИЛАН ОЛАМ МУНАВВАР

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2008-yil, 7-mart • № 10 (3942)

САДОҚАТ ВА ВАФО ТИМСОЛИ

Бу йил баҳор бироз соғинтириб келди. Қиш чўзилмади, аммо қаҳрига олиб, бардошимизни, йилнинг бу фаслига кўрган тадоригимизни синовдан ўтказди. Шу боис, баҳорнинг биринчи куниёқ кўнглимизда кўтаринки туйғулар мавжланди, кайфиятимиз чоғ бўлди.

1 март куни пойтахтимизнинг сўлим хиёбонларидан бирида Ўзбекистон халқ шоираси Зулфиянинг муаззам ҳайкали тантанали равишда очилди. Юртбошимизнинг мунис ва меҳнаткаш, ҳаётнинг ҳар қандай оғир зарба ва синовларига дош бериб, ўзини йўқотмай, сабр-тоқат ва шукроналик билан яшайдиган ўзбек аёли, ўзбек шоирасининг тимсолини бадиий равишда таъсирчан акс эттириш лозимлиги тўғрисидаги ғояси Ўзбекистон халқ рассоми, таниқли ҳайкалтарош Равшан Миртожиев ишлаган ҳайкалда ўз ифодасини топганлигига ушбу маросимда иштирок этган жамоатчилик вакиллари, ижодкор зиёлилар, шоиранинг оила аъзолари ва кўпсонли шогирдлари ишонч ҳосил қилдилар.

Маросимни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, халқ шоирлари Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиева, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, ёш шоира Д.Усмонова, Зулфиянинг қизи, адабиётшунос олима Ҳулкар Олимжонова ўз сўзларида Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат соҳасига катта эътибор берилаётгани, Ватанимиз, халқимиз тарихида ўчмас из қолдирган, бутун ҳаёти ва ижодини миллат равнақига бағишлаган атоқли адиблар, фан ва маданият намояндаларининг эл-юрт олдидаги улкан хизматлари муносиб баҳоланиб, уларнинг хотирасини абадийлаштириш, келажак авлодларга қолдирган меросини асраб-авайлаш, бу меросдан ёш авлоднинг баҳраманд бўлишини таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Дарҳақиқат, истиқлол йилларида бу нурафшон кунларга етиб келолмаган қатор марҳум шоир ва ёзувчиларимиз давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлдилар, таваллуд кунларининг юз йиллиги мамлакат миқёсида кенг нишонланди, асарлари чоп этилди. Хусусан, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор каби устоз адибларимизга муҳташам ҳайкаллар ўрнатилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 13 сентябрдаги "Тошкент шаҳрида Ўзбекистон халқ шоираси Зулфиянинг ҳайкалини ўрнатиш тўғрисида"ги қарори халқимизнинг суюкли фарзанди Зулфияхонимнинг миллий адабиётимиз равнақига қўшган улкан ҳиссаси, маънавий мероси ва ибратли жамоатчилик фаолиятининг яна бир амалий эътирофи бўлди.

— Бугун биз баҳорларни интизор кутган, ёруғ ҳаёт куйчиси, халқимизнинг севимли шоираси Зулфия опамизни ёд этиб, у кишининг хотирасига ўрнатилган бетакрор ҳайкалнинг очилиш маросимида қатнашиб турибмиз, — деди Абдулла Орипов ўз сўзида. — Миллатимизнинг асл фидойи фарзандларини қадрлаб, уларга юксак даражада иззат-ҳурмат кўрсатаётган мамлакатимиз Президенти муҳтарам Ислом Каримовга барча юртдошларимиз, зиёлиларимиз, адабий жамоатчилик номидан чуқур миннатдорчилик билдирамиз. Зулфия опамиз мураккаб даврда яшаса-да, эзгулик ва ойдин туйғуларни баланд пардаларда куйлай олди. Ҳаётдан жуда эрта кўз юмган бетакрор сўз санъаткори Ҳамид Олимжоннинг номини бир умр ардоқлаган шоира садоқат ва вафо тимсолига айланди.

Зулфия узоқ йиллар аёлларимизнинг севимли нашри бўлмиш "Саодат" журналига раҳбарлик қилди. У кишининг сиймосида Шарқ аёлининг, ўзбек аёлининг фазилатлари мужассам эди. Бетакрор истеъдоди туфайли эзгулик, биродарлик куйчиси сифатида жаҳонга танилди. Унинг "Мушоира" шеърида тинчлик ва инсонийлик, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик сингари олийжаноб туйғулар катта миқёсда акс этганлигини яхши биламиз.

Умрининг сўнгги йилларида ёзган "Хотира синиқлари" достонида шоира ўтган асрдаги мустабид тузум исканжасида поймол бўлган адолатнинг фарёдларини қоғозга туширди ва истиқлолимизга ўзининг астойдил, самимий шукронасини изҳор этди.

Зулфия опа доимо халқимизнинг эзгуларини, юртбошимизнинг ҳурмати ва эътиборида бўлди. Шоиранинг номи айниқса ёш ижодкор қизларимиз учун ўзига хос ибрат рамзига айланди. Бугунги кунда Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган юзлаб сингилларимиз Зулфиянинг қизлари сифатида мамлакатда маълум ва машҳурдирлар. Зебунисобегим, Увайсий, Нодирабегим сингари беназир истеъдод соҳибаларини етиштириб берган улуғ халқимиз бугун ўзининг яна бир она қизи, суюкли фарзанди, шоираси ва жамоат арбобига ўз эҳтиромини намоён этиб турибди. Ҳеч шубҳасиз, "Мен — ўзбекнинг Зулфиясиман!" дея фахрли мисралар биттан опамизнинг хотирасига ўрнатилган ушбу гўзал ва муаззам ҳайкал ҳамюртларимизнинг муборак қадамжоларидан бири бўлиб қолажак.

Заҳматкаш, меҳнаткаш шу қалам билан
Буюк асримизнинг сиз ҳам нақлисиз.
Даврга гоҳ қувонч, гоҳ алам билан
Баҳо бермоқликка сиз ҳам ҳақлисиз.

Қоронғу тунларда оловли сўзни
Кимки машъал қилса, толе унга ёр.
Бахтли аёлман деб атабсиз ўзни,
Сиздай шоири бор халқ ҳам бахтиёр.

МАЪНАВИЯТ ОНА АЛЛАСИДАН БОШЛАНАДИ

Инсон тарбияси келажаги билан ҳамоҳангдир. Яхшилигу ёмонлик билан чархпалак дунёда, болам ўз йўлинг бўлсин, дейди она, доим эл ичра бўл, дейди. Она алласида элга фидолик даъвати бор. Чақалоқ ҳаётнинг илк таъмини ана шундай тилаклар ила тотади. Оналар бир қўли билан бешикни, бир қўли билан дунёни тебратади дейдилар. Чунки уларга дунё ишониб топширилган. Миллат қад ростлаган жойда оналарнинг хизмати беқиёс бўлади.

Шоир Шавкат Раҳмон "Тараққиёт — севаман сени, тараққиёт — қўрқаман сендан" деб ёзган эди. Бунинг боиси, илм-фан тараққиётининг қувончли, ташвишли жиҳатлари ҳам бор. XXI асрда инсоният ўзи яратган ихтиролар боис, маълум муаммо ва зиддиятларга ҳам дучор бўлди.

Бугунги кунда алоқа воситаларининг шиддат билан ривожланиши, компютер, электрон почта, интернет, космик телерадио алоқа тизимларининг кучайиши ёш авлод дунёқарашига ғоявий таъсир ўтказиш имкониятларини ҳам кенгайтириб юборди. Аслида, инсоният бир-биридан хабарсиз яшай олмайди. Давлатларнинг ривожланиши, тараққиёти ҳам ўзаро ҳамкорлик алоқаларига боғлиқ. Вақт — бугунги дунёнинг қимматли ашёси экан, ундан унумли фойдаланиш, яшаш ва яратишга улгуриш учун одамзод нималарни ўйлаб топмади, дейсиз. Бугун Қамаши туманининг энг чекка қишлоғида туриб ҳам бемалол олис Японияда содир бўлган, бўлаётган янгиликдан хабардор бўлиш мумкин. Мағрибда пайдо бўлган ғоялар зум ўтмасдан Машриққа етиб келади. Бундан кўринадики, ахборот бугунги куннинг энг қудратли қуроли бўлиб қолди. Тараққиётнинг бу қуролидан кимлардир эзгу мақсадларда, кимлардир эса ёвуз ниятда фойдаланмоқда. Ахборот хуружининг махсус сценарийлари, ёш авлод онгини заҳарлаш, уларни тўғри йўлдан оғдириш режалари тузилмоқда.

Эсимда, раҳматли момом укаларимни таёқдан милтиқ ясаб "уруш-уруш" ўйнашларига асло йўл қўймас эдилар. "Уруш-уруш" деманглар-а, унинг оттинаси ўчсин-а! Ўйнагани бошқа ўйин қуриб қоптими?", деб қойиб берардилар. Билмадим, ҳозир момом ҳаёт бўлганларида, дўконларда сотилаётган турли хил қурол-яроқ ўйинчоқларни кўриб нима дердилар экан? Кимларнингдир чўнтагини бойитаётган, зўравонлик, баҳаёлик тарғиб этилаётган киноларга қандай муносабат билдирардилар экан. Бир куни қўшнимиз неварасидан зорланиб қолди: "Ота — вазмин, она — босиқ, бу бола кимга ўхшади, ҳайронман. Бирам асабий, бирам жаҳлдор, гап гапиришга безиллаб тураман".

Бугунги дунёни янгиликларсиз тасаввур қилиш қийин. Аммо янгилик экан деб, минг йиллик маънавий қадриятлардан воз кечиш мутлақо мумкин эмас. Мен бунда интернет орқали танишувни, айрим қизларимиз ўзларини қандай "реклама" қилаётганларини назарда тутмоқдаман.

Давоми иккинчи бетда.

Акс садо

ОДДИЙ, АММО МУҲИМ МАВЗУ...

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг навбатдаги сонини ўқиб бўлиб, мамнунлик билан қўлимга қалам олдим. Бу газета кўплаб ижодкор зиёлилар қатори, мен учун ҳам қадрдон бўлиб қолган, узоқ йиллардан бери ҳар жума мириқиб мутолаа қиламан. Газетанинг ҳар бир сонида адабиёт, санъат, маънавият ва маърифат, одоб-ахлоққа доир қизиқарли мақолалар эълон қилинаётгани, адабиётимизга кириб келаётган ёш истеъдодларга алоҳида эътибор берилаётгани мени беиҳтиёр қувонтиради. Мана, бугун ҳам газетада салом бериш одоби тўғрисидаги мақолани ўқиб, қувондим. Бир қарашда, мавзу жуда оддий. Аммо, кейинги пайтларда кўпларимиз бу одобни унутиб қўяётганимиз, ҳаётимизга кириб келаётган "оммавий маданият" таъсирида бир-биримиздан аҳвол сўраш ҳам насия бўлаётгани сир эмас.

Адабиёт газетаси болалар адабиёти муаммолари, жажжи ўқувчилар учун нашр этилаётган китобларнинг савияси, болалар насри ва шеъриятининг ютуқ-камчиликлари ҳақида бошқаларга нисбатан кўпроқ ёзмоқдаки, бу ҳам қувонарли ҳолдир.

Муҳтарам Президентимиз ўз маърузаларида ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор берадилар. Фарзандларимиз соғлом, ақлли-ҳушли, одоб-ахлоқли, зарур билимларни чуқур эгаллаган бўлишлари учун тарбия ишини жуда аввалдан бошлаш лозимлигини уқдирадилар. Бу вазифани бажаришда бадиий адабиётнинг аҳамияти жуда ҳам катта. Ёшлигидан китобларга ошно бўлган, эртак тингланган, ота-онасининг насиҳатларини кўнглига жо қилган боладан кейинчалик асло ёмонлик чиқмайди. Умрим давомида бу ҳақиқатга жуда кўп бор амин бўлганман.

Газета ижодий жамоасига амалга ошираётган хайрли ишларида янгидан-янги муваффақиятлар тилаб қоламан.

Ҳаким НАЗИР,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

АТИРГУЛИМ, АТРИНГНИ СОЧ...

Мана, бир неча йилдирки, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси Журналист аёллар клуби, мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш фонди ҳамда республика Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда "Атиргул" танловини ташкил этиб, матбуотимизда фаолият юритаётган энг фаол журналист аёлларни рағбатлантириб келмоқда. Танлов ҳайъатига ҳавола этилган кўплаб ижодий ишлар орасидан энг мақбуллари танлаб олинади ва уларнинг муаллифлари ғолиб деб эълон қилинади.

Қутлаймиз!

Миллий матбуот марказида мазкур танловнинг 2007 йил бўйича якунларига бағишланган тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Танлов якунига кўра, Хоразм вилоятида нашр этиладиган "Муҳофаза" газетаси мухбири **Муқаддас Исмоилова,** "Тошкент" телерадиоканали "Пойтахт" ахборот дастури муҳаррири **Хушноза Маҳмудова,** "Туркистон" газетаси мухбири **Майсара Назарова,** республика Хотин-қизлар қўмитаси ахборот-матбуот маркази бош мутахассиси **Феруза Орипова,** "Водий садоси" радиоси бошловчиси **Елена Петрусевич,** "Муштум" журнали масъул котиби **Азиза Солиҳова,** Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ахборот маркази бошловчиси **Мадина Собирова,** "Қарақалпақстан жаслари" газетаси бўлим мудири **Гулнора Турдишева,** "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси катта мухбири **Иқбол Қўшшаева** танлов ғолиби деб топилди.

8 март — халқаро хотин-қизлар байрами арафасида ғолиб ҳамкасбларимизни самимий муборакбод этамиз.

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК АЗИЗ ОПА-СИНГИЛЛАР!

БИЛДИРИШ

12 март куни соат 11.00 да Ўзбекистон Миллий университети маданият саройининг кичик залида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоғай Мурод хотирасига бағишланган ижодий кеча бўлиб ўтади.

Барча қизиққанлар таклиф этилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси

Ушбу сонда:

Садоқат ва вафо тимсоли

Аёл мадҳи

Саҳнада яшаётган аёл

"Баҳри муҳит"нинг уч лойиҳаси

Осмон нега зангори?

Сарой Мулк хонимнинг жавоби

Икки Жизел

"АСАКАБАНК": ишонч, унум, барака!

"ҒАЛЛАБАНК" ҳамкоринг бўлса, ҳисобингдан адашмайсан!

ДАРЁ МУҲИТИГА МАДАД

ёхуд обиҳаётни тежовчи уч лойиҳа ҳақида

Орол денгизини қуришга маҳкум этган шўролар салтанатининг ўзи ҳам баҳри муҳитимиз қарғишига қолди. Тузумлар, салтанатлар-ку турли сабаб ва оқибатлар боис таназзулга учраши, Ер юзидан абадий супурилиб кетиши мумкин экан. Бироқ улар гуллаган даврда дунёга келган инсон фарзандлари учун яйдоқ дашту шўрхок тахирга айланган заминда умргузаронлик қилиш осон кечмайди.

Таназзулга учраган салтанатдан сизу бизга оғир экологик вазият мерос бўлиб қолди. Бироқ биз кимларгадир ўхшаб, жомадонни орқалаб, дуч келган жойга бориб макон тута олмаймиз. Бундай ҳаёт тарзи ажодларимиздан қон-қонимизга сингган иймон-эътиқодимизга зид. Биз боболар хоки ётган табаррук тупроқни, оталаримиз киндик қони томган муқаддас Ватанимизни ҳеч бир манзилга алиштирмаймиз.

Оталар юртининг безавол гиёҳию томчи сувини кўзимизга суртиш, иложини топсак бу замин кўксини гулларга буркаш — фарзандлик бурчимиз. Шунинг учун денгиз йироқлаб кетган шўрхоқ қумлар бағрига-да, умид билан дов-дарахт, ниҳол қадаймиз. Йўллар, кўприклар, уйлар қурамиз. Шоиримиз лутф этганидек, шундай яшар одатда одам, деймиз.

Куни кеча бир анжуманда иштирок этишга тўғри келди. Ўзини "Баҳри муҳит" дея эзгу ном билан атаган жамоат ташкилотининг ахборот маркази ўтказган "Орол ва Оролбўйига доир экологик лойиҳалар" доирасидаги анжуманда табиат жонкуярларининг қизғин ижодий мулоқотини тингладим. Оролнинг бугунги аҳволига доир ҳужжатли филм намойишидан сўнг тадқиқотчиларнинг турли огоҳларидан воқиф бўлиб, обиҳаётимизни тежайдиган янги лойиҳалар билан танишишга тўғри келди. Бу лойиҳалар мен учун катта янгилик бўлди. Улар ҳақида аввалари ҳам эшитган бўлсам-да, дадил-исботи билан кўрсатилган бу лойиҳаларнинг амалий аҳамияти хаёлимни ўғирлади. Бундан нафақат амалиётчи фермерлару туманларнинг ҳокимлари, балки жуда кўпчилик, ҳатто ижодкорлар ҳам воқиф бўлиши керак экан. Ана шунда янгилик ҳаётимизга тез сингиб, баҳри муҳитимиз янада гуллаб-яшнайди.

* * *

Сув ресурсларини бошқариш бўйича халқаро институтнинг бир бўлими бизнинг Тошкентда ҳам фаолият олиб боради. Унинг мутахассиси Акмал Каримов айтган таклифлар кўпчиликни қизиқтирмаслиги мумкин эмас. Бундай дейишимга сабаб эндиликда бутун жаҳонда сувга бўлган эҳтиёж ошиб бораётир. Бу муаммо сувни тежаш ва пок сақлашга доир асрий удумларга эътиборсизлик тобора кенг ёйилаётгани, қолаверса, у ёки бу халқнинг миллий манфаатларига бошқа давлатларнинг нописанд муносабати туфайли ҳам кескинлашмоқда. Масалага, Марказий Осиё мисолида қарайдиган бўлсак, минтақани бир асрдан кўпроқ давр мобайнида мутаб ётган шўролларнинг миси чиққан ғояларидан қайтмаган тўралар ҳамон учраб турибди. Улар Амударё ва Сирдарё бошланадиган давлатлардаги дарёларга тўғонлар қуришни авж олдириш билан сув тахчиллигини кучайтириб, келгусида бу минтақа шимол дарёлари сувининг бир қисмини жанубга оқизишни ёлвориб сўрашига шароит яратамиз, дея хомтама бўлмоқдалар.

Она сайёра — қўриқхона

Шу важдан минтақада сув муаммоси яна кескинлашиб бориши мумкин. Шундай пайтда Акмал Ҳайитович таклиф этаётган лойиҳалар ер ва сувдан тежамли фойдаланишнинг иқтисодий пойдеворини яратишга асос бўлиши шубҳасиз. Кўпчиликни қизиқтираётган ушбу лойиҳалар ҳақида кенгроқ тасаввурга эга бўлмоқ учун Акмал Каримов ишлаётган — пойтахтнинг Муртозоев кўчасидаги халқаро муассасага ташриф буюрдим.

ҚОЗОН ҲАМ МОЙ, ЧЎМИЧ ҲАМ

Биринчи лойиҳа

Ўзбекнинг тансиқ ва ҳаммабоп таоми ош. Ҳозир бизда гуручнинг кони Оролбўйи минтақаси ҳисобланади. Гарчи Хоразмнинг сара гуручи Ўш ва Фарғона девзирасига ета олмаса-да, у бутун мамлакатнинг иккинчи нони сифатида машҳур. Тўю маъракаларимиз, байраму сайиллар дошқозонларни тўлдирган паловхонтўрасиз ўтмайди.

Бироқ кейинги қурғоқчил йилларда ана шу иккинчи нонимиз етиштириладиган майдонларнинг бир қисми ўз ўрнини ғаллага бўшатиб бермоқда. Келгусида бу муаммони ҳал этиш йўли топилганидан астойдил қувондим.

— Амударёнинг қуйи оқимидаги Хоразм ва Қорақалпоғистон учун шоли етиштириш яқин-яқинга қадар ҳам катта даромад манбаи эди, — дея сўз бошлади Акмал Ҳайитович жажжигина компютер экранидан лип-лип ўтаётган манзараларни шарҳлаб. — Ёғинсочиннинг қандай келишига қараб шоли майдонлари ҳар йили 147-180 минг гектарни ташкил этарди. 1985 — 2000 йиллар оралиғида Амударёдан Хоразмга берилаётган сув миқдори йиллик ўртача 5,84 куб километрдан 3,7 куб километрга тушиб қолди. Бунинг натижасида шолизорлар учун ажратилган майдонлар 48 минг гектардан 31,7 минг гектарга камайди.

Шолипоялар қисқарганига қарамай, сизот сувлари сатҳи 1,5 метрдан кам бўлган ботқоқ жойлар майдони 41 фоизга каттариб, 126,6 минг гектардан 178,6 минг гектарга етибди. Шунинг натижасида пахта ва ғалла майдонлари ҳосилдорлиги камайган. У бундай жойларда гектар бошига 20 ва 25 центнердан ошмайди. Айни чоғда пахта етиштириш учун куз ва қишда ернинг шўрини ювиш тақозо этилади. Натижада бир гектар ерда пахта етиштириш учун 18 минг куб метр сув сарф бўлади. Бу сарф этилган 1 куб метр сув ҳисобига 110 граммча пахта олинди дегани бўлиб, ниҳоятда паст кўрсаткич ҳисобланади.

Сизот сувлари яқин бўлгани боис кузда ғалла экиш учун ҳайдаб қўйилган ерларнинг унумдор қатламида ҳам туз йиғилмоқда. Бу тузларни экиш олдидан ювиш учун эса айни июл ва август ойларида сув етишмайди. Баҳорда пахтани экиш олдидан ҳам шўр ювилмаса, яхши ҳосил олиб бўлмайди. Бунинг учун ҳар йили гектарига ўртача 6 минг куб метрдан сув сарфлашга тўғри келади. Ноиложликдан зовур сувларидан ҳам фойдаланилади, бироқ бу усул ернинг қайта шўрланишига замин ҳозирлайди. Оқибатда ҳосилдорлик тушиб, тупроқ таркиби ёмонлашади.

"Ана шундай шароитда ғалла ўримидан сўнг унинг ўрнига шолининг аввалдан тайёрлаб қўйилган кўчатларини экиш тупроқнинг шўрланишини камайтиради ва зироатчилик неъматлари етиштиришни жадаллатади, — дейди суҳбатдошим. — Бу усул кўп шўрланган ерларнинг кучли даражада шўрланишининг ҳам олдини олади".

Қорақалпоғистоннинг Чимбой туманидаги "Қизилўзак" хўжалигида, Хоразмнинг Гурлан, Шовот ва бошқа туманларида шолини кўчат қилиб экиш тажрибаси оммалашмоқда. Масалан, гурланлик Давлат Қурбонов ботқоқ ҳамда қаровсиз ётган 10 гектар ерни фермерликка олган. У дастлаб ерни уч бора яхшилаб текислаб чиқади. 2005 йили салкам бир гектар ерни шоли кўчатлари етиштириш учун ажратиб, унга 27 май куни уруғ сочади. 20 июнда кузги ғалласи ўрилиб, гектарига 35 центнердан ҳосил берган шу ерга орадан ўн тўрт кун ўтказиб, шоли кўчатларини қадайди. 13 сентябрга келиб эса фермер ҳали шоли ўрилмасидан унинг орасига қўлда дон сепиб чиқади. 4 июн куни кўчатидан экилиб 25 сентябрда ўриб олинган шолининг ҳосилдорлиги гектар ҳисобига 60 центнерни ташкил этади.

Бу гуручлар девзирадан асло қолишмайди.

Демак, Хоразм ва Қорақалпоғистон ерларида бутун Жанубий Осиё мамлакатларида бўлгани сингари шолини ғалладан сўнг такрорий экин сифатида ўстириш бир йўла учта муаммони ҳал этар экан. Аввало, сувдан тежамли фойдаланилади. Иккинчидан, бир йилнинг ўзида айнан бир даладан ҳам ғалла, ҳам шоли олиш даромадни кескин кўтаради. Учинчидан, ернинг унуми ошади.

Хўш, сув қандай қилиб тежалади? Бунга олим шундай жавоб беради: "Шоли экиладиган даланинг йигирмадан бир улушига, масалан айтайлик, 20 гектар ерга етадиган кўчат тайёрлаш учун бир гектар жойга ғалла ўримидан 20-25 кун аввал уруғ (одатдаги гуруч навларидан гектарига — 40, гибрид навлардан эса гектарига 12-15 килограмм миқдорида) сепиш кифоя. Кўчатларни ғалла ўрилган жойга 20 х 15 сантиметр оралиқда экиш шолининг одатдаги ўсув даврини 40 кунга камайтиради. Фақат шунинг ўзидан одатдаги сув сарфини 25 фоизга тежаш мумкин. Бундан ташқари, шоли ўриб олинишидан аввал унинг орасига яна ғалла экиб қўйилади. Бунда ҳам ғаллани, ҳам шолини экишдан олдин ернинг шўрини ювишга ҳожат қолмайди. Демак, яна катта миқдорда сув тежалади. Қолаверса, ер остидаги шўр сувларнинг кўтарилиши тўхтайди. Сизот сувлари кўтарилмаса, туз ҳам кўтарилмайди. Чунки ерларнинг шўрлаши одатда дала экиндан бўш турган пайтда унинг таркибидаги намликнинг юқорига буғланиши оқибатида рўй беради, яъни буғланаётган сув билан бирга юқори қатламларга кўтарилаётган туз тупроқ юзасида қолиб кетади".

Кўчат усулида экилган шоли шамолда ётиб қолмас экан. Биргина шу омилнинг ўзи ҳам ҳосилдорликни ўн фоиз оширишга замин яратади. Бунинг устига шоли ва ғалла поя ларини ёқмаслик табиий ўғит ҳосил қилади.

Бундай усулда деҳқончилик қилган фермер иқтисодий жиҳатдан ўзини тез ўнглайди. Ҳам сувдан тежайди, ҳам даромаддан ютади, ҳам ернинг шўр босиш хавфи йўқолади. Бир даладан бир йилнинг ўзида ҳам буғдой, ҳам шоли етиштирилиб, икки марта олинган ҳосилни чўтга солсангиз қозон ҳам мой, чўмич ҳам мой эканлиги аён бўлади.

Бугун бизнинг деҳқонимизга мана шундай илғор зироатчилик усуллари сув билан ҳаводай зарур. Унинг кенг оммалашиши эса деҳқон-фермерлардан ҳам кўра уларга раҳбарлик қилаётган туман ҳокимлари, қишлоқ хўжалиги мутахассисларига кўпроқ боғлиқлигини унутмаслигимиз керак. Хўш, маҳаллий раҳбарларимиз бу янгиликни ўз вақтида қўллаб-қувватлаш ва бунинг учун омилкор деҳқон-фермерларимизга зарур шароит яратиб беришга қодирми?

Буни яқин келажак аён кўрсатади, деб умид қиламиз.

Мурод АБДУЛЛАЕВ

МАДАНИЙ ҲОРДИҚ САМАРА КАЛИТИ

"Оҳангаронширифер" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида бугун мингдан ортиқ ишчи ва техник-муҳандис ходимлар меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг аксариятини ёшлар ташкил этади. Шу боис кейинги йилларда бу ерда жамият аъзолари, хусусан, ёшларнинг меҳнат қилиш ва маданий ҳордиқ чиқаришлари учун шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

— Ёшлар билан ишлаш ҳамиша диққат-эътиборимизда, — дейди корхона бошқарувининг раиси Исмоилжон Исматов. — Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан жорий йилнинг "Ёшлар йили", деб эълон қилиниши боис, бу эътибор янада кучайди. Жамоамизда меҳнат қилаётган йигитлар ҳарбий хизматга чақирилсалар, уларнинг ҳар бирига ойлик маошининг эллик фоизи миқдорида ёрдам пули берилади, хизматдан қайтганларида эса, ишга қабул қилиниб, уч ойлик маошга эга бўладилар. Бундан ташқари, бизда ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳам яхши йўлга қўйилган. Биргина ўтган йилнинг ўзида ўндан ортиқ ёш оилалар уй-жой билан таъминланди. Ёш ўқувчиларни мактаб анжомлари билан таъминлаш ҳам корхона маъмурияти зиммасида. Ишчи-ходимларимиз, уларнинг фарзандлари корхонамизнинг дам олиш масканида ҳордиқ чиқарадилар. Корхона ҳисобидан мамлакатимизнинг турли шаҳарларига, хорижий мамлакатларга саёҳатлар уюштирилади.

Яхши дам — меҳнатга ҳамдам деганларидек, корхонада халқимизнинг таниқли ижодкорлари, хушовоз хонанда ва созандалар, маданият ва санъат арбоблари, оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашувлар ўтказиб туриш ҳам анъана тусини олган. Жумладан, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов, Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева, халқимизнинг севимли артистлари Ғуломжон Ёқубов, Хайрулла Лутфуллаев, Фаррух Зокиров, Ўлмас Саиджонов билан бўлган учрашувлар жамоа аъзоларида катта таассурот қолдирган. Биргина Ўзбек Миллий академик театри ижодий жамоаси кейинги икки йил ичида бу ерда ўнга яқин спектаклларни намойиш этди.

Корхона кутубхонасида ўн олти мингдан ортиқ турли мавзудаги китоблар мавжуд бўлиб, уларнинг сони доимий равишда янги асарлар ҳисобига кўпайиб боради.

Корхона маъмурияти бу йил ҳам бир қатор қизиқарли маданий-маърифий тадбирларни режалаштирган.

Мўмин ҚАЮМ

Оҳангарон шаҳри

Оҳангаронликлар Бухоро сафарида.

МАЪНАВИЯТ ОНА АЛЛАСИДАН БОШЛАНАДИ

Бошланиши биринчи бетда.

Биз маънавиятчимиз, лекин аввало онамиз. Бир пайтлар ардоқли шоирамиз Зулфияхоним: "Она қалби оёққа турса, ўғлим сира бўлмайди уруш" дегандилар. Бугун ўзбегимнинг ибо, ҳаё, ор-номус, иффат, латофат деган гўзал оламига "Оммавий маданият" деган офат чанг солмоқчи. Бу офатни биз — оналар қалби оёққа қалқибгина бартараф эта оламиз. Бунда биринчи қадам — ўша илк ўзлик неъмати — алла бўлади.

Президентимиз "Барчамиз оддий бир ҳақиқатни яна бир бор чуқур англаб етишимиз шарт — маънавият соҳасида бўшлиқ бўлмайди. Биз фарзандларимизни миллий табиатимизга ёт ва зарарли бўлган таъсирлардан ҳимоя қилишимиз, уларни ҳаётга, ён-атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган, мустақил фикрлайдиган, иймон-эътиқодли, баркамол инсонлар этиб тарбиялашимиз лозим", деган эдилар. Ҳақиқатдан ҳам, ёшлар тарбиясига эътиборли бўлиш кечиктириб бўлмайдиган ва ҳеч ким четда туриши мумкин бўлмаган вазифадир. Зеро мамлакатимизда жорий йилнинг ёшлар номи билан аталишидан ҳам мақсад-муддао шудир. Донишмандлар "Ҳар болада бир даҳо яшайди" дейдилар. Ўша даҳони бунёд этиш ҳам, барбод этиш ҳам атрофдагиларга боғлиқ. Ахир, ёш ниҳолнинг парвариши учун еру замин бирдек масъул-ку. Афсуски, бугунги дунёда кимнинг миясига қандай ёвуз фикр келса, дарров ёшларга "ташланади", уларнинг онгини заҳарлаб, ўз томонига оғдириб олмоқчи бўлади.

Бундай фожеаларнинг олдини олиш, бу борадаги муаммоларни бартараф этишнинг ягона йўли — миллий ғоя. Миллий ғоя миллат руҳияти, орзу умидлари тамойилларига ҳамоҳанглиги учун ҳам аҳамиятлидир. Миллий ғоя тарғиботига бағишлаб ўтказилаётган тадбирларнинг самарадорлиги эса кўп жиҳатдан маънавият тарғиботчиларига боғлиқ.

Лола САОДАТОВА,
Республика Маънавият тарғибот маркази
Қашқадарё вилоят бўлими раҳбари

КЎКЛАМ ҲАШАРГА ЧОРЛАЙДИ

Халқимизнинг кўплаб қадимги анъаналари, байрамлари ва тўй томошалари кўклам фаслининг кириб келиши билан бошланади. Тупроқ қизиши билан деҳқончилик юмушлари авж олади, ҳовли, гузарлар саранжом-саришталанади, кўча-кўйлар тозаланади.

Миллий удумларимиз орасида ҳашарнинг ўрни алоҳида. Ҳашар нафақат ободончилик тадбири, балки элнинг бошини қўшадиган, юртдошларимизни бирдамликка чорлайдиган, айниқса, ёшларни маҳаллада, қишлоқ ва шаҳарларда жамоа билан ҳамкор, ҳамнафас бўлиб меҳнат қилишга, уларга инсоний муомалани, қўлни қўлга бериб ишлашни ўргатадиган ўзига хос тарбия воситасидир.

Бу йил ҳам, одатдагидек, баҳор кириб келиши билан юртимизнинг барча шаҳар-қишлоқларида кексаю ёш ҳашарга отланди. 1 март куни вилоят ва туманларимизда минглаб юртдошларимиз маҳалла-қўйни ободонлаштириш ва кўкламзорлаштиришга киришдилар. Мамлакатимиз бўйлаб ўтказиладиган катта ҳашарни ташкиллаштиришда "ЭКОСАН" халқаро ташкилоти ҳам кенг иштирок этди. Бир неча йилдан бери юртимизда ҳукуматимизнинг қўллаб-қувватлаши ва "ЭКОСАН" ташаббуси билан уч босқичли "Экология ва саломатлик кунлари" ўтказиб келинмоқда. Анъанага кўра, Наврўз байрамига бағишланган биринчи босқичда республикамизда кенг қамровли ободонлаштириш тадбири уюштирилади.

2008 йилнинг "Ёшлар йили" деб эълон қилиниши муносабати билан ҳашар куни "Ҳар бир ёш бир тўп кўчат экса..." шиори остида республикамиз ёшлари кўчат экишга даъват этилди ва "ЭКОСАН ёшлар боғлари"ни барпо этиш ҳаракати бошланиб кетди.

Ҳашар ташаббусини биринчилардан бўлиб "Ёшлик" талабалар шаҳарчасидаги барча олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг талабалари қўллаб-қувватладилар ва 1 март куни шаҳарча ҳудудида минглаб ёшлар иштирокида кенг қамровли кўкламзорлаштириш ишлари олиб борилди.

Шу куни пойтахтнинг Ботаника боғи ҳудудида ҳам катта ҳашар бўлди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, таниқли фан арбоблари, санъат ва адабиёт намоёндалари, шунингдек, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, ёшлар ва журналистлар иштирок этишди.

Ҳашарни ўтказиш бўйича республика бошқармаси маълумотларига кўра, унда саккиз миллиондан зиёд юртдошларимиз иштирок этди. Хуллас, бир кунлик ҳашар натижасида шаҳар ва қишлоқларимиз чиройига чирой қўшилди, жамоат жойлари тартибга келтирилди, ариқ ва зовурлар тозаланиб, кўчалар ободонлаштирилди, кўчат ва гуллар экилиб, янги боғлар барпо этилди. Энг муҳими эса, ҳашар баҳона қишлоқ ва шаҳарларимизга баҳорий файз кириб келди.

Миркарим МИРСОВУРОВ,
"ЭКОСАН" халқаро ташкилоти маслаҳатчиси

ТАЛАБАЛАР ТАРОНАСИ

"Ёшлар йили" муносабати билан Ўзбекистон давлат консерваториясида ёш композиторларнинг ижодий кечаси бўлиб ўтди. Дастурда консерватория ҳамда В.А.Успенский номидаги мусиқа лицейининг композиторлик факультетида таҳсил олаётган талабалар ўзларининг мусиқий асарлари билан иштирок этдилар.

Профессор Янов-Яновский синфи талабалари Игор Иофе, Зарина Ходиева, Азиз Муродов, Аделина Фахруддиноваларнинг "Прелюдия", "Ўйлар", "Ҳазил", "Фантазия", "Зулмат призмаси" асарларини ижро этишди. Мустафо Бафоев синфидан Иля Филиппов, Рустам Абдуллаев синфидан Индира Каримова, Абдулазиз Ҳасанов синфидан Виктор Хандамян каби ёш ижодкорлар "Pianosimmo" асарини, "Муҳаббат романси", "Истаганингча яша" романсларини тақдим этдилар. Успенский номидаги лицей талабалари Албина Ўрозбоева ва Лилия Угай асарлари ҳам қизиқиш билан тингланди.

Ижодий кечада Р.Абдуллаев, Ф.Алимов, А.Мансуров, Ҳ.Раҳимов, М.Бафоев, Н.Норхўжаев, Ш.Ёрматов, М.Отажонов каби таниқли санъаткорлар қатнашдилар. Устозлар ёшларнинг ҳар бир асарида ватанпарварлик, ҳаётга муҳаббат, жўшқинлик, айни вақтда соддалик уфуриб турганини таъкидладилар.

Насиба МАШАРИПОВА,
Нодира МИРЗАЕВА

НАВРЎЗ ТАРАДДУДИ

Бутун республикамизда ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Жумладан, Наманган вилояти ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармасида «Наврўз» байрамини муносиб кутиб олиш мақсадида барча шаҳар ва туманларда, қишлоқ ва маҳаллаларда ўтказиладиган оммавий-маданий ва спорт тадбирлари режаси ишлаб чиқилди. Вилоят марказида ўтказиладиган «Ҳамиша гўзал ва навқирон Наврўз!» театрлаштирилган катта байрам концерти учун санъаткорлар ва спорт усталари иштирокида тайёргарлик бошлаб юборилди.

Шунингдек, Наманган шаҳридаги санъат, маданият, педагогика, тиббиёт коллежлари ва Наманган давлат университетида байрам дастурлари, сценарийларини саралаш ишлари олиб борилмоқда. Маданият муассасаларида «Энг ёш эстрада хонандаси» кўрик-танловига тайёргарлик кўрилмоқда, «Сумалак базм»лари саҳналаштирилмоқда.

Ашурали БОЙМУРОД

БАҲОР

Оппоқ қорнинг тагида
Уйғонмоқлик ҳақида

Ҳисларин айлаб ошкор,
Шивирлайди навбаҳор:

— Қуёш, нуринг соч, энди,
Гул варағинг оч энди.

Она-Ернинг қўйнида,
Табиатнинг бўйнида

Ярашсин маржонлари,
Кўкламнинг анжомлари —

Тилла, кумуш балдоқлар,
Ям-яшил шақилдоқлар

Тақилгай ҳар ниҳолга,
Келиндек гулжамолга

Дилга ёзиб ёрлиқни,
Уйғот энди, борлиқни.

Гар севсанг сен баҳорни,
Беғубор тонг-наҳорни

Уни обод этгайсан,
Ҳар сатрин ёд этгайсан.

Кўкламойнинг ҳар сатри,
Таратади гул атрин.

Ашур, гулни шод айла,
Кўкламни обод айла!

БАҲОР МУШОИРАСИ

Гуландом ТОҒАЕВА

ОНА ҲАҚИДА СЎЗ

Мен онамни алиштирдим шаҳарларга,
Қўлларига сув қуймадим саҳарларда.
Шоир бўлгин қизим, дея жўнатувди,
Лек шеърларим қолиб кетди дафтарларда.

Мен онамни алиштирдим шаҳарларга,
Умрим бердим вафоси йўқ гўзалларга.
У-чи борлиқ, ёшлигини менга берди,
Энди бир тиш тополмайди гавҳарларга.

Мен онамни алиштирдим шаҳарларга,
Бир бойчечак келтирмадим баҳорларда.
Мен қиз бўлиб кўйлагини бир ювмадим,
Лек қолдирдим уни ҳижрон-заҳарларда.

Мен онамни алиштирдим шаҳарларга,
Бир буюк нон изин қувдим наҳорларда.
Бир кўрайин дея мени йўқлаганда
Дедим: "Вақт йўқ, кутинг
бошқа сафарларда!"

Бу савлатлар кимга керак, бу давлатлар,
Ул ҳашамнинг бордир бир кун ҳасратлари.
Дўстлар, айтинг, бу ер қандай кўтаради
Онасини зор қилганда фарзандлари?!

Юрагимни алиштирдим шаҳарларга,
Дуо қилгин, она, мени саҳарларда.
Оёғингга оёқ бўлай, қўлингга қўл,
Ахир сени тополмасман гавҳарларга!

* * *

Қайсидир кўнгилни йиғлатади май,
Қайсидир булбулни хор қилар чаман.
Қаноти кесилган бир қуш бўлсам ҳам
Сенинг ҳузурингга учаман.

Тоғ-довон ошаман судралиб беҳуш,
Нозик оёғимга кирса ҳам тикан.
Ўзга ошиқларинг кўрсанг ҳамки туш,
Сенинг ҳузурингга учаман.

Ташнадан қочади ариқларда сув,
Сўқирдан қуёш ҳам нурини аяр.
Сенинг ҳузурингга чопганим сайин
Ўртада масофа фақат кенгаяр.

Ҳар тонг ғунчасини кўз-кўз қилар боғ,
У-ла топишай деб ўзим йўқолдим.
Айбим — қучоғингдан изладим ардоқ,
Сен менга кераксан нондан ҳам олдин!

Мен—ёлғиз, мен—ношуд, укпардай вужуд,
Забардаст тоғларга урилсам экан!
Шунда ҳам заррага айланиб қолиб,
Ғунча япроғингни қучаман.

Қизнинг қўлларини кутган ялпиздек,
Инжа дийдорингга зорман, ташнаман.
Лабингдан узилган энг тансиқ сўздек
Сенинг ҳузурингга учаман...

Жамила ҲАЙДАРОВА

* * *

Мен сизни мовий бир
денгиз қўйнига—
Жимжитлик бағрига
отиб юбордим,
Осилиб қайтибсиз
тўлқин бўйнига,
Кўзимга ишонмай
қирғоққа бордим.

Чўққидан ташладим
жарлик қаърига,
Еллар тутиб қолди
туморингиздан.
Ташлаб келдим яна
сойдан нарига,
Ер юзи ёришди жамолингиздан.

Қудуққа ташладим —
ой топиб олди,
Борлиқ қулоқ тутди
омонёрларга.
Энди отмоқликдан
қўлларим толди,
Тириклик раводир умри борларга.

Наволар таралса машшоқ ўлурму,
Дунё бериларкан умидворларга.
Умидни йўқотиб, отиб бўлурму,
Дунё тўлиб турса омонёрларга.

СУЯДИНГИЗ

Баъзан суядингиз, баъзан суядим,
Сабр-бардош билан сизни аядим.
Тунингизда ойман, кундузи қуёш,
Киприкларингизга қўнмасин кўз ёш.

Баъзан булут бўлди
қабоқларингиз,
Жонимни ўртади сабоқларингиз.
Сабр косалари
тўлди — сипқордим,
Аразли сўзларни тупроққа қордим.

Майли, сўзларингиз
кўксимни тилсин,
Бизни ўтга ташлаб
кўнглингиз тўлсин.
Аёл зоти ўзи тугамас бардош,
Фақат, омон бўлинг, азиз ёстиқдош.

Насиба МАШАРИПОВА

ЎЗБЕК АЁЛИ

Тонглар отар сочин силаб,
Шомлар ботар умрин тилаб,
Излари жаннатдир ахир
Ўзбек аёлининг!

Дўст-у ёрга дардкаш, ҳамдам,
Тилидан бол томар ҳар дам.
Сўзлари ҳикматдир ахир
Ўзбек аёлининг!

Нур ёғилар эшигидан,
Беклар чиққан бешигидан,
Насли буюк зотдир ахир
Ўзбек аёлининг!

Пок севгиси бор қалбида,
Кимлар куймаган дардида,
Висоли нажотдир ахир
Ўзбек аёлининг!

Гоҳ малҳами йўқ дардига
Гоҳ суянчи йўқ қалбига,
Қилгани тоқатдир ахир
Ўзбек аёлининг!

Суйганига вафоли ёр —
Кўзлари ёр йўлида зор.
Билгани садоқат ахир
Ўзбек аёлининг!

Кулгучида кулгу турсин,
Кўзларида бахти кулсин,
Кўргани саодат бўлсин
Ўзбек аёлининг!

КЎКЛАМ ТАШРИФИ

Тоғларнинг тик чўққисига
Қуёш заррин нурлар тўшар,
Қаҳратонда қотиб қолган
Қояларнинг кўнгли юмшар.
Тоғларнинг тик чўққисига
Қуёш заррин нурлар тўшар,
Тоғнинг икки кўзларида
Қорлар — кўз ёш,
қорлар — шар-шар.
Қизғалдоқлар ёйилади
Бойчечакнинг изларига,
Чўғ, қизиллик югуради
Алп тоғларнинг юзларига.
Саъваларнинг нағмалари
Эшитилар узоқлардан,
Асаларилар бетиним —
Бол томади бутоқлардан.
Дайди еллар, шабодалар
Шивир-шивир айтиб елар,
Олисларни йўқлаб кетган
Турналар ҳам қайтиб келар.
Гўзал баҳор, дийдорингни
Кўриб кўзлар ёшланади,
Замин аро янги ҳаёт,
Давр-у даврон бошланади.

ЗУЛФИЯГА

Юксак тоғлар бошида оқ тож,
Барқ урибон тошади анҳор.
Масъум мавжлар юзида сирож,
Ашк аркини тўшади баҳор.

Йўқлаган дам баҳорни такрор,
Сиймонгиз акс этади шу он,
Рангин сатрларда не асрор,
Буюкликда бормикан поён!?

Тонг созию, кўклам навосин
Жо айлаб гул мулкига кўнгил.
Чин муҳаббат, вафо маъвосин
Маликаи меҳбарсиз буткул.

Кўзингизда олам намоён,
Тўмариснинг мағрур нигоҳи,
Қалбингизда ўт олди ҳижрон,
Халқ қувончи, андуҳи, оҳи.

Биз — боғингиз унган майсаси,
Изингиздан интилар мудом.
Ўзбек қизин ҳурдир нафаси,
Зулфияси манглу қутлуғ ном!

Дилафрўз УСМОНОВА,
Зулфия номидаги давлат
мукофоти совриндори

АЁЛ МАДҲИ...

Шоирлар аёлни хўб таъриф этишган. Мусаввирлар, ҳайкалтарошлар озодликни аёл сиймосида тасвирлаганлар. Қаҳрамонлик, ўлим, ҳис-ҳаяжон, муҳаббат аёл туфайлидир. Меҳрибон, вафодор аёлдир ҳаёт...

Шунинг учун аёлни улуғлаймиз, севамиз. Заргарларнинг зебу зийнатлари, шоирларнинг болдек ширин, олтиндек ноёб, эркаловчи сўзлари аёлларга аталган. Куни кеча Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган мушоира, шеър баҳси ҳам халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланди.

"Ёшлик. Баҳор. Муҳаббат" дея номланган ушбу мушоирани Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, халқ шоири Сирожиддин Саййид очиб, барча шоира опаларимизни, ижодкор қизларимизни, уларнинг тимсолида азиз аёлларимизни баҳор байрами — хотин-қизлар куни билан табриклади.

Ўзбекистон халқ шоираси, "Саодат" журнали бош муҳаррири Ойдин Ҳожиева "Ёшлик. Баҳор. Муҳаббат" мушоирасининг раисаси бўлди.

Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов, таниқли шоирлар Азим Суюн, Ҳайдар Муҳаммад, Ориф Тўхташ, Ҳаёт Шодмон, Ахтамқул Карим, Қорақалпоғистон республикаси Беруний туманидан келган саксон ёшли ижодкор Саъдулла Олламов ва бошқалар оналаримизга, опа-сингилларимизга бағишланган дил сўзларини изҳор этдилар.

Таниқли адиба Олмос Аҳмедова бошлаб берган мушоирани табаррук ёшини қаршилаган шоира Роҳилахон Ҳафизова, ёшларнинг севимли шоираси Қутлибека, Зилола Хўжаниёзова, Фароғат Худойқулова, Адиба Умирова давом эттиришди. Олий адабиёт курси, Ўзбекистон Миллий университети журналистика ва филология факултетлари талабалари ўқиган шеърлар ҳам барчага манзур бўлди.'

Адиба Умирова, Фароғат Худойқулова, Ҳаёт Шодмон, Баҳодир Қаюмов мушоира ғолиби бўлдилар. Хонанда Шуҳрат Йўлдошев ижро этган мумтоз санъаткор Ботир Зокировнинг машҳур "Раъно" қўшиғини ижро этиб, ҳаммага завқ бағишлади.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти талабалари Улуғбек Қиронов, Маҳмуд Ҳамидов, Эшмурод Йўлдошев ва Абдулазиз Мажидовларнинг қўшиқлари даврага файз киритди.

Рустам МУСУРМОН

ШЕЪРИЯТ АНЖУМАНИ

Баҳор, гўзаллик, шеърият — бу уч сўз инсон кўнглида бир хил жаранг сочади. Эҳтимол, шунинг учундир киши қалби айни кўкламда ижодга мойил бўлади.

Куни кеча пойтахтимиздаги Талабалар шаҳарчасининг Маънавият марказида ҳассос шоира Зулфия хотирасига бағишланган "Сен баҳорни соғинмадингми?!" деб номланган шеърият анжумани ўтказилди.

Мушоирани Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов очар экан, ёшларни, тадбир иштирокчиларини ёшлик ва гўзаллик фасли билан қутлади. Шунингдек, уюшма раиси ўз сўзида Зулфия ижоди ҳақида атрофлича тўхталиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид, таниқли шоирлар Азим Суюн, Рустам Мусурмон, Турсун Али иштирок этиб, талаба-ёшларга янги ижод намуналаридан ўқиб бердилар. Ўз навбатида, бошловчи шоирлар ҳам ўз машқларини устозлар синовидан ўтказдилар. Гулҳаё Маматова, Темур Раҳимов, Баҳодир Ҳалимов сингари ёшларнинг шеърий машқлари устозлар томонидан яхши баҳоланди.

Замира АБДУЛЛАЕВА,
ЎзМУ талабаси

ҲИКОЯ

...Баҳорда мучал тўйи бўлган ўн икки ёшли Хонзода — Сарой Мулк хоним ҳовлидаги қари арғувон шохларига илинган ҳалинчакда учмоқда эди. У кўзларини юмган куйи ҳавонинг забтига монанд тебранарди.

Отларнинг туёғидан кўтарилган олатасирли шовурдан хаёли бўлинган ва кўнглида алланечук хавотир уйғонган Сарой Мулк хоним сахтиён ковушларини майсаларга тираганича ҳалинчакни тўхтатди ва шошиб дераза томон бўйлади, дарвозадан от етаклаб кираётган йигитларни олдин танимади. Бўйнига сирғалиб тушган рўмолини бошига солганича, кўринмаслик учун ўзини дарров арғувон панасига олди. Эшикбон тулпорларнинг жиловини отбоқарга тутқазганича, йигитларни ичкарига чорлади.

Йигитлар икки киши эди. Йўл бошлаган йигитнинг овозидан Сарой Мулк хоним уни таниди ва вужудида совуқ бир ҳис уйғонди.

У йигитни ўтган ҳафта акаси Мусабекнинг никоҳ тўйида, куёв жўралар қаторида кўрган эди. Кўриниши кўркам бўлган бу йигит куёв жўралар ичида ажралиб турарди.

Келин-куёв учун ёқилган гулхан атрофида айланаётган куёв жўранинг нигоҳи қизлар қуршовида оловга исириқ сочаётган Сарой Мулк хонимга тушиб, ғалати чақнади, юзларида сирли бир ифода зоҳир бўлди ва иккинчи бора унинг ёнидан ўтаётганларида кўрганидан мамнунлигини сездириш учун қизга ошкора жилмайди. Учинчи бора яқинлашганларида эса ҳеч тап тортмай "Сизни боғда беклармен" деб шивирлади ва жавоб ҳам кутмасдан даврадан чиқиб кетди.

Куёв жўранинг Сарой Мулк хонимга эътибори хотин-халажнинг шивиршивирига, имо-ишорасига сабаб бўлди. Қизариб-бўзарган Сарой Мулк хоним дугоналари билан келин-куёвлар ортидан тўйхона томон йўналаркан, кимнингдир "Амир Қазағоннинг набираси Ҳусайнбек шул йигитдир" деганини эшитди ва бошидан совуқ сув қуйилган каби вужуди бирдан сесканди. Кўз олдидан отасининг қонга белланган чеҳраси гавдаланиб, юраги увушди. Тўрт ёшида нигоҳига муҳрланган бу фожиа орадан саккиз йил ўтса-да ўчмаган, аксинча, айни лаҳзаларда янада аламли ва оғриқли бир манзара касб этиб, қайтадан уйғонган эди. У ўша куни оқсоч қизнинг "Амир Ҳусайнбек Сизни боғда чорламоқда", деган сўзларини эътиборсиз қолдирган бўлса-да, уни бу қадар бетакаллуфлик билан кириб келишини кутмаган эди.

Эшикбон йигитлардан олдинроқ ичкарига кирган эди ва ҳаял ўтмай, уларни чорлади.

—Ҳазрати Олиялари пешвоз чиқмоқдалар!

Йигитлар марҳум Қозонхоннинг беваси Хонлар бегимга бош эгишиб, ҳурматларини изҳор қилишгач, узун, ганчкор йўлаклардан юришиб, меҳмонхонага киришди.

Меҳмонхона мўғил хонларининг ўтовлари каби айлана шаклида қурилган, шифти баланд, деворлари ипак гиламлар билан безатилган эди. Ерда ҳам бир-биридан гўзал, нақшлари ўткир ранглар билан жило берилган жулқурс ҳолилар тўшалган эди.

Қозонхоннинг беваси Хонлар бегим ўрта бўй, чеҳраси очиқ, лекин нигоҳлари қаттиқ, ҳаракатлари ва ўзини тутишидан фаросатли ва зийраклиги сезилиб турар, оппоқ кулча юзларидаги киборли ифодадан зодагон оилага мансублигини уқиш қийин эмас эди.

— Хуш кўрдик, Бек ҳазратлари,

Шаҳодат ИСАХОНОВА

марҳамат қилсинлар!

Хонлар бегим тўрдаги хонтахта ёнида тўхтаб, уларни ўтиришга таклиф этди, — ташрифингиздан беҳад шодмен...

Ҳусайнбек тўрга жўрасини ундади, жўраси эса хижолат қилдими ёки ҳурматини билибми, ҳарқалай ундан пастроққа, деворларига парқу болашлар суятилган жойга одоб билан ўтирди.

Ўртага бир лаҳзалик сукунат чўқди. Қозонхоннинг беваси уларнинг ташрифидаги маънони англаш учун олдин Ҳусайнбекка, сўнгра ёнидаги йигитга синчковлик билан тикилди.

Хизматкорлар улардан сал нарироқдаги хонтахтага бахмал дастурхонлар солишиб, турли хил ноз-неъматлар билан безата бошлашди.

— Безовта бўлмоққа ҳожат йўқдур, — Ҳусайнбек хонтахта томон ишора қилди, — кейинроқ бафуржа келурмиз! Жўрамиз Мусабекни — келин-куёвларни бир йўқламоқ ва Сиз Ҳазрати Олияларининг дуосини олмоқ ниятида бирров кирдик...

Ҳусайнбек сўзларини тугатар экан, жўрасига маъноли қаради ва "Қолганини сиз давом этарсиз" деган ишорани билдирди.

— Сизни Худо йўқласин, Бек! — Хонлар бегим тўйдан олдин ҳеч қачон қадам босмаган Ҳусайнбекнинг сўзларига энсаси қотган бўлса-да, юзидан сездирмади. Ҳурмати учун миннатдорчилик билдирди.

Бир уруғ бўла туриб, эри Қозонхон билан ёвлашган ва охири бошига етиб тинчиган ҳовлиқма ва гуппи Амир Қазағонни Хонлар бегим азалдан ёқтирмасди. Бўлмаса, Қозонхон Амирга қанча яхшиликлар қилди. Барибир билмади, пайт пойлаб чалди. Ўтган йили Мусабекдан Амир Қазағоннинг набираси, мана шу Ҳусайнбек билан дўстлашганини эшиттач, унга эътироз билдирган эди.

Хонлар бегим Ҳусайнбекни бундан ўн йилга илгари, ўспиринлик чоғида кўрган эди. Куёв навкар бўлиб келган куни эса танимади. Кўриниши кўркам бўлсада, ҳаракатлари, қарашлари, ҳатто гап-сўзлари ҳам бобосига тортибди.

Ҳусайнбек томоқ қирди, бу жўрасига қарата "Суҳбатни давом эттиринг" деганн эди. Лекин эсига нимадир тушиб, энди гапирмоққа чоғланган жўрасини тўхтатди.

— Узр тилармен, Темурбек, сизни Ҳазрати Олияларига таништирмоқни унутибмен, бул йигит Чиғатой Амири Тарағай Баҳодурнинг ўғлони қобиллари Темурбекдир ва менинг учун жонжўра мақомидадурлар.

Хонлар бегим нигоҳини Темурбекка қаратди.

Кўриниши виқорли, ҳаракатлари босиқ, қарашларида улуғворлик бор, бу йигитни кўрган заҳотиёқ кимгадир менгзаган ва боядан бери ўша сиймони хаёлида тикламоққа уринмоқда эди.

— Тарағайбек Баҳодур биз учун ота қадрдондур, — деди Қозонхоннинг беваси чиройи очилиб, — ул амирга чексиз ҳурматларимиз бор! Эгачингиз Қутлуғ Туркон Оға бирлан кўп даврадошлик қилганмиз, ғоят фозила аёл, саломларимизни етказурсиз!

Темурбек бош эгиб миннатдорчилик билдирди.

Унинг юзига қалққан самимий ифодани, қарашларидаги теран нигоҳни кўрган Хонларбегим барча оналар каби кўнглида ширин орзу туйди ва бу йигит ҳозироқ ўзига куёв бўладигандек меҳр билан бошдан оёқ кузатди. Чунки Сарой Мулк Хонимни узатмоқ фурсати етган, лекин, оғиз солаётган совчилар орасида кўнгли тўлармик куёв тополмагани боис, бу юмушни орқага суриб келмоқда эди.

Паҳлавон келбат, қошлари чизилган каби қоп-қора, қиррабурун, лаблари ним табассум қилиб турувчи бу йигитга ўғринча тикиларкан, хаёлан балки совчиликка келгандир деган ўй ҳам ўтди.

Чиғатой туркларининг одатига кўра, совчиликка ёши улуғроқ қайвони ёки маҳалла қўйнинг оқсоқоли, ҳурматли кишиларидан бирортаси борар ва бундай совчининг мавқеи, обрўсига қараб, қизнинг қиймати белгиланарди.

Турклаша бошлаган мўғулларда эса ҳалигача ўз одатлари, анъана ва расм-русмлар урф эди. Уларнинг қонун-қоидасига кўра совчиликка номзод йигитнинг ўзи борар ёки жўрасини ҳамроҳ қиларди. Қиз йигитга, йигит ҳам қизга маъқул тушса, куёв бўлмиш нишоналик совғасини белги сифатида бериб қайтарди.

Ҳеч қачон совчиликка бориб кўрмаган Темурбек, дўсти Ҳусайнбекнинг сўзини қайтара олмай, келишга розилик берган бўлса-да, айни лаҳзаларда гапни қандай бошлашни билмай ўнғайсизланиб турарди.

Ҳусайнбек "чайналманг, бошланг" деган каби нигоҳ ташлади.

— Элчига ўлим йўқдур, Ҳазрати Олиялари...

Куёв бўлмиш жўраси билан келганда, ўзи сукут сақлашини билгани учун Темурбекнинг гап бошлаши Хонлар бегимнинг хаёлларини бирдан тўзитди.

"Демак, куёв бўлмиш Ҳусайнбек..."

У қизини эртароқ эрга бериб юборганидан пушаймон бўлди.

— Қизлар хонадоннинг гули бўлиши бирлан эзгулик элчилари ҳамдирлар...

Темурбек Қозонхон Амир Қазағон томонидан ўлдирилганлигини билар, шу боис, сўзларни Хоннинг бевасига оғир ботмаслик учун териб-териб ва мулойим оҳангда ифодалашга ҳаракат қиларди.

Хонлар бегимнинг чеҳрасидан мамнунлигини ҳам, хафалигини ҳам билиб бўлмади. У бошини Темурбек томон хиёл эгилтирган куйи сўзларини тинглар, лекин хаёли Сарой Мулк хонимда эди.

Эридан айрилгач, Сарой Мулк Хонимнинг иқтидорли, уқувли эканлигини пайқаб, қизи тарбиясини ёлғиз ўзи назоратга олди. Сарой Мулк Хоним маликалар билиши керак бўлган нарсалардан ташқари от чопиш, қиличбозлик, ўқ отиш, кураш тушишда йигитлардан қолишмас, ўттан ёздаги имтиҳонда эса уста чавандоз ва курашчи Мутал Баҳодирнинг олқишига сазовор бўлган эди. Ўшанда Сарой Мулк Хонимнинг ўғил бўлиб туғилмаганидан кўнглида армон туйган эди.

— Сиз ҳаётни биздан теранроқ англарсиз, Ҳазрати Олиялари, — Темурбек Қозонхон билан амир Қазағоннинг ёвлашганига ишора қилиб гапирди, — шул боис, изоҳ бермоқ фикридан йироқмен, кеча оталар ёвлашган бўлсалар, бугун фарзандлар дўст мақомида турурлар. Дўстимиз амир Ҳусайнбек Хонзода Сарой Мулк Хонимнинг қўлларини сўраб ташриф буюрдилар ва бу юмушга бош-қош бўлмакни каминага юкладилар...

Қозонхоннинг беваси Темурбекнинг сўзларини киприк қоқмай тинглади. Темурбек ҳам елкасидан тоғ ағдарилгандай ўзини енгил сезди ва сўзларидан дўсти мамнун ёки йўқлигини билиш учун Ҳусайнбекка ўгирилди. Ҳусайнбек Хонлар бегимни қай аҳволга тушишини аввалдан тасаввур қилгани учун унинг юзига қарашга ботинмади. У Хонлар бегимнинг ўғли Мусабек билан синглиси учунгина яқинлашган, айни пайтда, Сарой Мулк Хоним учун ҳам ўзидан бошқа муносиб номзод йўқлигини пайқаб турарди.

— Миннатдорчилигимни қабул этинг, Бек, — Хонлар бегим Ҳусайнбекнинг юзига қарамай гапирди, лекин овозидаги бояги жарангдорлик ва ўктамлик ўрнини ғайритабиий бир маҳзунлик эгаллаган эди. Бир лаҳза сукут қилгач Темурбекка юзланди. — Кўп савоб ишга қўл урибсиз, меҳмон. Зеро, этни тирноғдан ажратиб бўлмас. Амир Қазағон уруғбошимиз эрди. Хонзодамиз бирлан Бекнинг юлдузлари бир-бирига тўғри келса, бошимиз кўкка етур...

Давоми олтинчи бетда.

Турсунбой АДАШБОЕВ

ОСМОН НЕГА ЗАНГОРИ?

Бугунги болалар шеърияти ҳақида айрим мулоҳазалар

Республика таълим марказида ўтган навбатдаги кенгаш анча мунозарали бўлди. "Бошланғич таълим" журналининг бош муҳаррири Зуҳра Шокированинг айтган мулоҳазалари ўринли эди:

— Айрим дарсликларнинг муаллифлари ўз савияларидан келиб чиққан ҳолда иш юритаётганлари оқибатида қўлланмаларга бадиий жиҳатдан саёз асарлар кириб қолаётир. Бунинг олдини олиш учун ижодий уюшмаларнинг вакилларини кўпроқ жалб этишимиз керак.

Методик бўлим бошлиғи Назира Аҳмедова йиғилишга якун ясаганидан кейин ҳам мунозара йўл-йўлакай давом этди. Кенгаш аъзоси, таниқли олим акаларимиздан бири 1980 йилда босмадан чиққан "Ўзбек совет болалар шеърияти антологияси"дан асарлари ўрин олган М.Муҳаммадқулов, Ў.Рашид, Э.Раҳимов, Н.Орифжонов сингари ижодкорларнинг шеърлари яқинда чиққан "Антология"га ҳам кирмай қолганидан ўкинди. Мен, ўз навбатида, устозга юқорида номлари қайд этилган шоирларнинг асарлари ҳозирги китобхонларнинг талаблари даражасида эмаслиги, боз устига, улар мустабид тузумнинг шарт-шароитларига мослаб ёзилганлиги тўғрисида мисоллар келтирдим. Чунончи, "Кўксимдаги юлдузчам", "Ўқинг аъло, бўлинг доно", "Эксанг маккажўхори, ҳосил бўлур юқори", "Аста-аста, кетмон даста" қабилидаги замонасоз шеърлар аллақачон ўз хизматини ўтаб бўлган, дедим.

Менингча, ўзбек болалар шеъриятининг юксалиш жараёнини босқичма-босқич ўрганса, аниқ манзара намоён бўлади. Масалан, ўтган асрнинг 60-йилларида устоз Қудрат Ҳикматнинг равон, тўқ мағизли шеърияти адабиётимизда ўзига хос воқеа бўлган эди. 70-йилларда шоир Миразиз Аъзамнинг, асосан, ўсмирларга атаб ёзилган фалсафага йўғрилган ижоди китобхонлар ўртасида эътибор топди. 80-йилларга келиб Анвар Обиджон болалар шеъриятидаги об-ҳавони бир йўла янгилади. Унинг "коса тагидаги нимкоса" асарлари тилга тушди.

Сўнгги пайтларда айрим газеталар саҳифаларида ҳозирги ўзбек болалар адабиёти ҳақида нотўғри тасаввурларни пайдо қиладиган мақолалар кўзга ташлана бошлади. Ўз навбатида, "Маърифат" газетасида бундай нотўғри талқинларни инкор этувчи мақолалар босилаётган бўлишига қарамай, гоҳида ўша акс-садолар эшитилиб турибди.

Хўш, бугунги ўзбек болалар шеъриятининг иқтидорли вакиллари кимлар, деган савол туғилиши табиий. Қуйида ана шу ўринли саволга жавоб беришга ҳаракат қиламан. Ҳамза Имонбердиев билан олдинма-кейин адабиётга кириб келган Рустам Назар, Дилшод Ражаб ва Абдураҳмон Акбар ўзларига нисбатан ўта талабчан, қамтар шоирлар сирасига киради. Маълумки, болалар баҳс-мунозарани яхши кўради. Рустам бунга қуйидагича ёндошади:

Осмон нега зангори,
Эмас қизил, ё яшил? —
Чарчамаймиз кечгача
Икки жўра баҳслашиб.
Енгилишни ким истар
Ўжар етти пуштимиз,
Овозимиз бўғилса
Ишга тушар муштимиз.
Осмон нега зангори? —
Баҳсни канда қилмаймиз,
Сабабини аслида
Иккимиз ҳам билмаймиз.

Абдураҳмон Акбарнинг фалсафий мулоҳазалар билан суғорилган асарларини ўқиган китобхон муаллифнинг мушоҳадаларидан қониқади. Абдураҳмоннинг "Мусича" тўғрисида ёзган қуйидаги шеъри ҳаётийлиги билан ажралиб туради:

Неча кунки аҳвол шу —
Ўзини босар аранг.
Тўртта хасни бўғотга
Қўндира олмай гаранг.

Мусичанинг ҳолига
Ачинган кўп, кулган кўп
Ерга тушар тухуми,
Кўздан томган ёшдек бўб.

Тумшуқда лой ийлаган
Қалдирғочлар чайқар бош:
— Ҳашарга айтсанг бизни
Бўлармиди, қариндош...

Ўтган ўттиз йил ичида болалар шеърияти жуда тез ривожланди. Қуруқ баёнчилик, панд-насиҳат ўрнини кичкинтойларга хос бўлган ҳаётий юмор, воқеабандлик асосига қурилган қувноқ шеърлар эгаллади. Фикрлашга, мулоҳаза юритишга чорлайдиган, ўғил-қизларимизнинг тилларини бурро қилишга, ақлини қайрашга хизмат қиладиган асарларнинг сони кўпайди. Оташ Холмирзаев, Ҳамидулла Муродов, Нурилла Остон, Худойберди Комилов, Маъмур Қаҳҳор, Кавсар Турдиева, Муқимжон Қодиров, Вали Аҳмаджон ва Қўзи Исмоил каби қаламкашларнинг асосий касблари муаллимлик бўлгани учун, уларнинг шеърларида болаларнинг турмуши билан боғлиқ воқеалар жуда ишонарли тарзда ифода этилганини кўрамиз.

Шоир Маъмур Қаҳҳорнинг "8-"Б"даги ҳодиса" сарлавҳали шеърида Севарани Анвар, Акбар ва Раҳим исмли синфдошлари яхши кўриб қолади. Кунларнинг бирида Севаранинг чизғичи — жазвари йўқолади:

...Севара дер: — Ажабо,
Йўқолибди чизғичим.
Ялт этиб боқди бирдан
Анвар, Акбар ва Раҳим.
Танаффусдан кейин-чи,
Эҳ, қизиқ бўлди жуда
Пайдо бўлди уч чизғич,
Севарнинг сумкасида...

Худойберди Комиловнинг "Таржимон" деб номланган шеъри ҳам ўқувчилар ҳаётидан олиб ёзилган бўлиб, ижодкорга хос кузатувчанликнинг мевасидир:

Гарчанд чет тилидан
Баҳойим ёмон.
Аммо уйимизда,
Ўзим таржимон.

Дадам дер: "Ойингга
Айтиб қўй Омон!
Сигиринг оч қолди,
Ташласин сомон".

Ойим дер: "Дадангдан
Сўраб кўр, Омон!
Кечқурун не қилай,
Шўрвами, лағмон?"

Бир ҳафта бўлдики,
Тилмочман ҳамон.
Бу гал таржимонлик
Чўзилди ёмон...

Қўзи Исмоил билан бундан ўн йил аввал Нукус шаҳрида ўтган ижодкор ўқитувчиларнинг республика семинар-кенгашида танишган эдик. Бу орада унинг "Балли болакай", "Бир Ватан бор" деб номланган китоблари Тошкентда босмадан чиқди. Қўзи Исмоил ҳам касбдошлари каби ўта изланувчан. Унинг "Қора мушук" сарлавҳали қуйидаги шеърини шарҳлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак:

Қора мушук олдингдан,
Ўтса йўлинг бўлмасмиш.
Шу кун қилган ишингдан,
Сира кўнглинг тўлмасмиш.
Бу гапнинг ёлғонлигин,
Кеча билиб олдим ман.
Бораётсам мактабга,
Мушук ўтди олдимдан.
Ўйлагандим: "Энди эҳ!
Йўлим бўлмас мутлақо".
Ўша куни қайтага
Олиб келдим "беш" баҳо...

Содиқжон Иноятовнинг болаларга бағишланган китоблари "Чўлпон" нашриётида босилиб чиққан. Ўтган йили эса "Хато" деб номланган қиссаси "Шарқ юлдузи" журналида чоп этилди. Айни вақтда у Гурлан туманидаги Вазир ширкат хўжалигини бошқариш билан бирга, кичкинтойларга бағишлаб серзавқ асарлар ёзаётир.

Содиқжон қишлоқ болаларининг ҳаётини ўзига хос йўсинда баён этади. Унинг "Деҳқон боласи" деб номланган шеъридаги характер тенгдошларидан, уларнинг қаҳрамонларидан кескин фарқ қилади:

Ишлайверар юз-кўзин,
Офтоб сели еса ҳам.
Отасининг нигоҳи
"Қўй, бас, болам", деса ҳам.
Саратоннинг ҳовури
Таралиб баст-бўйига,
Ҳорғин қайтар шом чоғи
Кўҳнагина уйига.
Тун чўкар. Гал ҳордиққа
Ой ҳам тўлар ёришиб,
Ухлар у туши ёруғ
Умидларга қоришиб...

Зафар Исомиддин ҳам бир неча тўпламнинг муаллифи. У табиат манзараларини нозик ҳис қилади. Ўз қаҳрамонларини парандалар олами билан яқиндан таништиришни хуш кўради. Ифода усули мусаввирларга хос. Атиргулнинг исини биринчи марта туйган Сассиқпопишакнинг ҳолатини қуйидагича тасвирлайди:

Вой, Атиргул... ҳидини
Толга қўнгач, кўрди-да,
Ўз-ўзича дидини
Бирпас мақтаб турди-да,
Ташлаб турар тол соя
Чўчиб кетди шўрлик қуш,
"Исмим сўраб қолмасин" деб,
Учиб кетди шўрлик қуш.

Адабиётимизга кейинги ўн беш йил ичида кириб келган Хуррам Раимов, Неъмат Душаев, Равшан Исоқов, Эрпўлат Бахт, Юсуф Мирюсуфзода сингари ижодкорларнинг вақтли матбуотдаги чиқишларини кузатар эканман, кўнглим ғурурга тўлади, кичкинтойларнинг катта адабиёти иқтидорли ёшлар ҳисобига ўсиб бораётганидан беҳад қувонаман.

Бугунги ўзбек болалар адабиётида жиддий изланишлар олиб бораётган ёшларимизнинг асарлари "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида ҳам тез-тез босилиб туради. Баъзи синчков муштарийларнинг хаёлидан: "Наҳотки, шеърларидан намуналар келтирилган шоирларнинг ижоди нуқсонлардан холи бўлса", деган мулоҳазалар ўтиши табиий. Номларини қониқиш билан таъкидлаб ўтган укаларим республикамизнинг турли вилоятларида яшаб, меҳнат қилишади. Уларнинг ижодидаги асосий қусур — мисралар устида ишлаш санъатининг етишмаслигида. Айрим ҳолларда улар фезл қофияларга меъёрдан ортиқ даражада берилиб қолишаётир. Бу борада жаҳон адабиётидан ўрганиш ва ундан таржималар қилиш қаламни чархлашда ўзига хос маҳорат мактаби эканлигини унутмаслик керак.

Буюк устоз Абу Наср Форобий: "Тарих — хотиранинг ўғли, фалсафа — идрокнинг фарзанди, шеърият эса тасаввурнинг қизидир", деб беҳуда айтмаган. Мазкур мақолада бир-бирига ўхшамаган истеъдодли укаларимнинг тасаввурларидан яралган камтарин ижодлари ҳақида имкон қадар ўз қарашларимни баён этдим. Дилимизга илиқлик олиб кирган яна бир янгилик: 2008 йил Ёшлар йили, деб эълон қилинганлиги. Ана шу муносабат билан "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти Зафар Исомиддин билан Содиқжон Иноятовнинг китобларини босишга тайёрламоқда. Бу, ўз навбатида, ёшларимизга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир намунасидир.

А.АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

ЯНГИ АСР АДАБИЁТ ИЛМИ: ЎЗГАРИШЛАР, МУАММОЛАР

1. Мана XXI асрнинг ҳам 7 йили ўтди. Шу йиллар мобайнида ўзбек танқидчилари ва адабиётшунослари ҳам баҳоли қудрат ижод билан машғул бўлдилар. Бинобарин, сизнингча, янги аср адабиёт илмида қандай ўзгаришлар юз берди?

2. Ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослиги олдида қандай муҳим вазифалар турибди, деб ўйлайсиз?

Бойбўта ДЎСТҚОРАЕВ, адабиётшунос:

1. Янги асрнинг етти йили давомида адабиёт илмимизда унча-мунча ютуқларга эришилди. Энг аввало, тасаввуф илмининг теранроқ ўрганилаётгани мумтоз адабиётимизни тўлароқ, нозикроқ, бор кўлами билан тушуниш ва тадқиқ этиш имкониятини кенгайтирмоқда. Жадидлар адабиёти деб аталувчи давр адабий-бадиий тафаккурини тадқиқ қилиш натижасида XX аср адабиётини идрок этишдаги кемтикликларга барҳам берилаяпти. Шўролар даври адибларнинг асарлари қайтадан кўздан кечирилмоқда. Ҳозирги адабий жараённи тадқиқ қилиш, баҳолашда ҳам илгари силжишлар йўқ эмас. Бу борада 2006 йили "Мустақиллик даври адабиёти" мақолалар тўпламининг юзага келгани эътиборга сазовор ҳодисадир.

XXI аср адабиёт илмида истеъдодли, иқтидорли ёшларнинг хизматлари катта бўлиши керак. Билими, тафаккур тарзи билан эътиборга тушаётган Узоқ Жўрақулов, Нодир Рамазонов каби ёш адабиётшунослар бу соҳанинг истиқболини белгилаб беришларига ишонаман.

2. Ҳар бир аср инсониятга қандайдир янгиликлар олиб келади. Ҳар юз йилда мужтаҳидлар, яъни реформаторлар (қадимги туркийда "элтузарлар") пайдо бўлади. Бу жамиятнинг узлуксиз ривожланиш қонунияти билан боғлиқ. Бу янгиликнинг нимадан иборат бўлишини зукко кишиларгина, алоҳида истеъдодга эга бўлган шахсларгина илғай олиши мумкин. Улар анъанавий ҳодисанинг ичида ниш уриб келаётган янгиликни тўкинди орасидан олтин заррасини кўролган заргар каби фарқлай оладилар. Шуниси борки, адабиётшунослик, танқиндичилик бевосита объект, яъни бадиий адабиёт ҳолати билан боғлиқ. Демак, адабиёт илмида кутилаётган ўзгаришлар адабий жараён билан узвий боғланган. Улар биргаликда бақамти юксалишлари, ўзгаришлари зарур. Бадиий адабиётда эса, ҳар юзйилликда мазмун ва шакл жиҳатидан янгиланиш юз берди. Мумтоз адабиётимиз ҳар қанча бадиий маҳоратнинг чўққисига эришган бўлса-да, XX аср бошларига келиб у янги шеъриятга йўл берди. 1919 йилнинг 21 февралида "Иштирокиюн" газетасида Чўлпоннинг "Гўзал" шеъри босилиши мумтоз адабиётимиздан том маънода фарқланувчи ўзбек янги шеъриятининг дебочаси, бошланиши бўлганди(бадиий жиҳатдан заифроқ бўлган жадидлар шеъриятини истисно этганда). Буни ўша пайтда кимдир англади, кимдир йўқ. Адабиётда анъанани кескин суратда бузиб янгилик олиб киришга интилишлар ҳамиша бўлади. Бунда, шубҳасиз, ўтган давр адабиётининг, яъни анъананинг замон талабларига мос келувчи хусусиятлари сақлаб қолинмоғи шарт. Масалан, ўзбек адабиётига Чўлпон олиб кирган янги поэзияда мумтоз шеъриятимизга хос хусусиятларнинг талайгинаси сақлаб қолинганди. Шунинг учун у бутун XX аср ўзбек адабиёти осмонида юлдуз сингари порлаб турди. Ҳарҳолда, янгилик давр тақозоси сифатида муқаррардир. Буни илғаб олишда нозик интуиция (савқи табиий) керак. Биргина мисол. Торонто университетининг профессори Маршалл Маклюэн 1959 йили "Миф ва оммавий ахборот воситалари" сарлавҳали мақола эълон қилиб, инсоният коммуникацияда яна ёзувгача бўлган даврга, яъни миф ва фолклор асрига қайтади деб ёзганди. Унинг бундай дейишига сабаб аудиовизуал воситалар — радио ва телевиденинг юзага келиши бўлган. У босма адабиёт, матбуотнинг ўрнини эшитиш ва кўриш воситалари эгаллайди, дея башорат қилганди. Маклюэннинг фикрича, энди одамлар, хусусан, ёшлар китоб ўқиш ўрнига, асосан, мазкур воситалардан истифода этадилар. Албатта, олим мақоласида европаликларга хос "сенсация" тарзида ифодалаш тарзи мавжуд. Шундай бўлса-да, унинг фикрларида ҳақиқат ҳам йўқ эмасди. Ҳозир ўқиш орқали ботиний завқ олинадиган романлар ўрнига кўриш, эшитиш воситалари ҳам синтезлашган сериалларни томоша қилиш одат бўлгани бунинг ёрқин далилидир. Аудиовизуал воситаларнинг кириб келиши босма нашрларнинг яшаб қолиши учун янги-янги усулларни излашга олиб келганди. Худди шу сингари бундай воситалар анъанавий бадиий асарлар яшаб қолиши учун ҳам изланишни, янгиланишни тақозо этади. Инсоният тафаккури ва бадиий-эстетик дидининг жадал илгарилаб бориши, тобора такомиллашиб бораётган посиндустриал воқелик, ахборий жамиятнинг юзага келиши бадиий адабиётда ҳам кутилмаган (аслида, кутилган) янгиликларнинг, ўзгаришларнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Мумтоз адабиёт тадқиқотчиси она тилимизни яхши билиш билан бирга, форс ва араб тилларини ҳам ўзлаштирган бўлиши лозим. Акс ҳолда, қадам сайин "қоқилаверади". Буни ёш тадқиқотчи дўстларим доимо ёдда тутишса. Адабиётшунос ёки танқидчи бўламан деган одам хорижий тилларни ҳам ўрганса, нур устига нур бўларди. Биз шўро даврида рус тилини билганимизнинг ўзи етарли деб келдик. Аниқроғи, бизга шундай деб сингиришди. Ҳозир бу етарли эмас. Ўз даврида рус мусташирқларидан Бартолд, Бертелс, Ғарб олимларидан А.Шеммел, Тримингем кабиларнинг кенг кўлам ва қамровда фикрлай олишларига кўп тилларни билишлари омил бўлган.

Яна бир истак. Танқидчилар. адабиёт назариётчилари майда, аҳамиятсиз тадқиқотлар билан эмас, адабиётимизнинг магистрал йўлини белгилашга хизмат қиладиган йирик-йирик назарий масалалар билан шуғулланишларини истардим.

Ҳотам УМУРОВ, профессор:

1. Ҳаёт ривожланишдан тўхтамагани каби, истиқлол яратган имкониятлар адабиётшунослик ва адабий танқид илмининг "тўғони"ни очиб юборди, янгича тафаккур "мева"лари пиша бошлади. XXI асрнинг бошлариданоқ Тўхта Бобоевнинг "Адабиётшунослик асослари"(2002), Абдулла Улуғовнинг "Адабиётшуносликка кириш"(2000), Дилмурод Қуроновнинг ҳам шу номдаги асари(2004), каминанинг "Адабиёт қоидалари"(2002) ва "Адабиёт назарияси"(2002), Иззат Султоновнинг "Адабиёт назарияси"(2006), Эркин Худойбердиевнинг "Адабиётшуносликка кириш"(2007) каби бир неча назарий дарслик ва ўқув қўлланмалари эълон қилинди. Тўғри, бу асарларнинг ижросида баъзи камчилик ва қусурлар бўлиши табиий, лекин "Адабиёт назарияси" яратилмади" дейиш юзакироқ мулоҳазанинг хулосасига ўхшайди. Дарвоқе, "Иш муҳим, сўз эмас". Айни пайтда, бани одам эришган даражасига, ютуғига доимо қониқмайди, янада гўзалроқ, илмийроқ асарларни истагувчи орзуси гуллайверади. "Адабиёт назарияси"нинг академнашри кун тартибида тургани бежиз эмас. Ҳарқалай, қатъий хулосадан чекинган ҳолда, бу давр адабиёт илмида назарияни турли-туман тарзда ўрганиш, ўргатиш ўзига хослик касб этди.

Янги аср адабиётшунослиги ва адабий танқидида ПОЭТИКАни текширишга, бадиий маҳоратни ўрганишга асосий диққат қаратилди. Шавкат Ҳасанов, Баҳодир Каримов, Нодира Афоқова, Зулфия Пардаева каби олимларнинг доктор-лик диссертациялари, У.Норматов, Н.Каримов, И.Ғафуров, Б.Назаров, И.Ҳаққул, Н.Комилов, Ҳ.Болтабоев, Қ.Йўлдошев, А.Расулов каби ўнлаб адабий танқидчиларнинг асарлари бунинг исботидир.

2. Адабиёт илми фақатгина пойтахт — Тошкентда яратилаяпти, деган тушунча эскирди, у вилоятларда, вилоятлардаги олий ўқув юртларида ҳам ривожланмоқда. Энг муҳим вазифа: ҳамма гуманитар олий ўқув даргоҳларидаги адабиётшунослик ва адабий танқид илми билан шуғулланувчиларнинг ҳамкорлигини таъминлашдир, муайян муаммоларни биргалашиб ечимини излашдир. ЎзРФА Тил ва адабиёт институти, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ана шу муҳим вазифани ҳал қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштирсалар нур устига нур бўларди.

Сўнгги йиллари XX аср ўзбек совет адабиётининг асосий пафоси, бош ҳақиқати — социалистик воқеликни улуғлашни "эсдан" чиқариб, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор каби санъаткорлар ижодини янги нигоҳ билан умумбашарийлигини биртомонлама очишга интилиш, сиёсат тарозисига солиб ўзгартириш (масалан, "Вақт" шеърининг кўплаб мисраларини олиб ташлаб, нашр этиш) ўзини оқламайди. Балки, ўша пафосга, ҳақиқатга ("Ленин бўлмасайди... Топталган хинадек мен сўлғум эди") таянган ҳолда, замонавийлигини, умумбашарийлигини, санъаткорлигини, умрбоқийлигини очиш асослидир; истиқлол адабиётшунослигининг илмига сиғадиган ҳақиқатдир; санъатнинг азалий қонунига амалдир.

Самарқанд

Журналларни варақлаганда...

"Жаҳон адабиёти" 2008 йил, январ

Журналнинг бошланган йилдаги илк сони Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг "Аждодлар қутлуғ йил" сарлавҳали мақоласи билан очилади. Атоқли шоиримиз ўтган йилги ютуқлар ва мамлакатимиз ҳаётидаги улкан воқеаларни алоҳида таъкидлаб, бардавом қутлуғ анъанага диққатимизни тортади: "2008 йилни Юртбошимиз "Ёшлар йили" деб эълон қилдилар. Дарҳақиқат, ёшларимиз биз қураётган улуғ иморатнинг янада юксалишига ҳисса қўша оладиган салоҳиятга етишиб бормоқдалар. Биз уларни кўзимиз қораси деганмиз, киприкларимиз деганмиз. Бу ғамхўрлик айнан ёш ижодкорларга ҳам бевосита тааллуқлидир".

Бир пайтлар Ф.Достоевскийдек улуғ адибнинг, бетакрор бастакор Д.Шостаковичнинг юксак баҳосига, эътиборига сазовор бўлган атоқли рус адиби Н.С.Лесковнинг "Мценск уездидан чиққан Макбет хоним" қиссасини устоз мутаржим Қодир Мирмуҳамедов таржимасида ўқийсиз. "Артемио Круснинг ўлими" романи билан танишган (2002) "Жаҳон адабиёти" муштарийларига бу гал мексикалик таниқли ёзувчи Карлос Фуэнтеснинг "Қувноқ жамоа" ҳикояси Ортиқбой Абдуллаев таржимасида тақдим этилган.

"Шеърият минтақалари"да сиз олмониялик шоира Морица Бодрожич (олмончадан М.Акбаров ва Б.Рўзимуҳаммад таржималари) ва туркиялик сўз ва соз устаси Ошиқ Вейсал (туркчадан Ж.Шабанов таржималари) ижодларидан намуналар билан танишасиз. Саргузашт ва фантастика ишқибозлари Сомдевнинг "Достонлар уммони" асарининг давомини ўқийдилар.

"Жаҳон адабиёти"нинг мазкур сони мундарижасини бойиган таржима асарлар сирасидан XX асрнинг йирик файласуфи Хосе Ортега-и-Гассетнинг "Севги сеҳри" тадқиқотини (А.Пардаев ва Ф.Шоҳисмоил таржимаси), Али Шомил Ҳусайн ўғлининг маърифарпарвар юртдошимиз Холид Саид ҳақидаги "Қатағон қурбони" (Р.Жабборов таржимаси) ҳамда Илья Смирновнинг хитой шеърияти классиги Ли Бонинг ижодига бағишланган мақоласини (О.Суюндиқова таржимаси) таъкидлаб ўтиш жоиз. Шунингдек, ушбу сонда "Ўзбекистон ва жаҳон" рукнида Киоко Накаяманинг "Ўзбекистон Сакураси" асаридан айрим лавҳаларни (Б.Гулметов ва С.Мели таржимаси) ҳамда адабий танқид, бадиий меросниг долзарб масалаларига доир янги тадқиқотлар билан танишасиз.

Шодмон Отабек таржимасидаги Евгений Гикнинг "Шахмат ҳангомалари"да шахмат оламидаги қувноқ ва ғаройиб воқеалардан воқиф бўласиз.

Тақриз

"ФОРС ТИЛИ"НИНГ ЯНГИ НАШРИ

Хизмат сафари билан Эронда бўлганимда Техрондаги меҳмонхоналардан бирида турдим. Биринчи кун калитни сўраб, навбатчи қизларга хонамнинг рақамини(505) айтдим: "Панж соду панж". Қизлар хандон отиб кулиб юборишди. Аммо калитни топиб, менга топширишди. Мен нега кулганларини сўраганимда, улардан бири: биз "поонсаду панж" деймиз, деди.

Афронистон пойтахти Кобулда ва бошқа шаҳарларда ишлатиладиган форсий тилни дарий, деб атайдилар. Аслида дарий X — XI асрлардаги форс адабий тилининг номидир. Кўриниб турибдики, бу тиллар бир-бирига яқин бўлса-да, ўзаро фарқи бор. Аммо уларнинг адабий тили ягона.

Форсийзабон адабиётнинг, Рудакий ва Фирдавсийдан тортиб XXI асргача, шакли ва мундарижаси бир хил. Шунинг учун XX аср ўрталарида бу тилни форс-тожик тили, адабиётини эса форс-тожик адабиёти, деб ишлатила бошлаган.

Бизнинг ота-боболаримиз ҳам ўзбек, ҳам форсийда эркин гаплашганлар, шеърлар ёзганлар. Бу тилларни тўла билмоқ фақат фойдали, холос.

Шу нуқтаи назардан, Малик Абдусаматовнинг "Форс тили" дарслиги учинчи нашри ("Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2007) қувончли ҳодиса бўлди. Бу учинчи нашр муаллифнинг йиллар давомида орттирган педагогик ва илмий тажрибаси асосида қайта ишлаб чиқилган қўлланмасидир.

Дасрликнинг олдинги нашрларидан фарқли жиҳатлари талайгина. Муаллиф эскириб қолган матнларни кўпроқ маърифий аҳамиятга молик матнлар билан алмаштириб, ушбу нашр мундарижасини бойитган. Шунингдек, китобда халқнинг урф-одатлари, байрамлари, буюк сиймолар ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи лавҳаларга ҳам анчагина ўрин ажратган. Бу матнлар кўмагида талабалар тил ўрганиш билан бир қаторда, маънавий, маърифий билимларини кенгайтирадилар.

Маълумки, форс тили ва адабиётида чиройли ёзиш муҳим аҳамиятга эгадир. Шу боис, дасрликда талабаларни гўзал ҳуснихатга ўргатиш мақсадида настаълиқ хатидан ҳам намуналар берилган. Талабалар уларни дарс вақтида ва мустақил равишда кўчириб, чиройли ёзишни машқ қилади. Китоб охирида илова сифатида келтирилган "Эрон йил ҳисоби" ва "Абжад ҳисоби"да қамарий ва шамсий йиллар ҳамда улардаги ой номлари, ҳижрий йил ҳисобидан қамарий йил ҳисобига ўтиш усуллари батафсил баён қилинган. Яна бир илова — "Форсча-ўзбекча" ва "Ўзбекча-форсча" луғат ҳам талабаларга ўз лексик бойликларини ошириб бориш, китобдаги матнларни ўқиб таржима қилиш ва ўз фикрларини оғзаки ҳамда ёзма равишда баён этишни ўрганишга ёрдам беради. "Форсча-ўзбекча" луғатда сўзларга лотин ёзувида транскрипция берилгани яхши бўлган. Лекин араб ёзувидаги баъзи сўзларга ҳам зеру зибар ишлатилганда луғат янада аниқроқ бўлар эди. Масалан, "abadan — доимо, ҳамиша" сўзининг биринчи бўғинида бга фатха зарур. Яна шу сўзнинг бошқа "ҳеч қачон, сира ҳам" маъноси келтирилганда мақул бўлар эди. "Яқин" сўзининг маънолари қаторига "эътиқод" сўзи ҳам киритилган. Ваҳоланки, шу луғатнинг ўзида "эътиқод" сўзи алоҳида "ишонч" маъносида берилган. "Эътиқод" тушунчасининг маъноси юқ катта эканлиги туфайли "яқин"сўзида "ишонч, ишонганлик" сўзлари билан чекланилса ҳам бўлар эди.

Профессор Малик Абдусаматов 1950 йили Тошкентдаги Ўрта Осиё давлат университетининг шарқшунослик факультетини битирган. Сўнг Москвада форс тили бўйича аспирантурани ўтаган. У эллик йилдан бери Тошкент давлат Шарқшунослик институтида форс тили ўқитувчиси бўлиб ишлайди. Унинг "Форс тили" дасрлиги умр бўйи қилган самарали изланишларининг натижасидир. Дарслик содда тилда ёзилган, барча грамматик қоидалар ўзбек тили билан қиёсий тарзда тушунтириб берилган. Бу эса, тил материалларини ўзлаштиришни анча осонлаштиради.

Азиз ҚАЮМОВ, академик

САҲНАДА ЯШАЁТГАН АЁЛ

Муқимий номидаги мусиқий театр актрисаси Малика ҚАЮМОВА билан суҳбат

Учрашув

— Маликахон, қирқ ёшга кирганда ҳам саҳнада ўн саккиз ёшли бош қаҳрамон ролини ўйнаб юрган актёрларни кўп кўрганмиз. Сизнинг репертуарингиз ҳақида ўйлаганда, кўз олдимиздан фақат ёши улуғ оналар образлари ўтади.

— Театр ва рассомлик санъати институтини битириб, театрда ҳеч қанча ишламасимдан фарзандлар билан ўралашиб қолдим. Лекин санъат жуда ширин бўларкан, худди қонингга тушган бир тирик заррадек жонингда айланиб юраркан. Кўп марта театрни ташлаб кетмоқчи бўлганман... Лекин кетолмаганман.

— Адашмасам, актёрлик фаолиятингизни Аброр Ҳидоятов номидаги ёшлар театрида бошлагансиз...

— Ҳа, шундай. Бахтиёр Ихтиёров режиссёр эдилар. Мурод Ражабов, раҳматли Ширин опалар билан кўп спектакларда ўйнаганман. Охирги ролимни Тўғон ака билан партнёрликда ижро этганман. Айтганимдек, фарзандли бўлиб, таътилдан қайтиб борсам, маъмурият ўзгариб, театрнинг тамал тошини қўйган бир неча санъаткорларнинг иш ўринлари қисқартирилган экан, улар орасида мен ҳам бор эдим. Ишсиз қолганлар аста-секин яна вазифаларига тикландилар, лекин мен қайтиб бормадим. Гарчи яхши кўрган турмуш ўртоғим, оилам, фарзандим бўлса-да, ўша пайтларда ўзимни худди ўрмонда адашиб қолган ёлғиз одамдек ҳис қилардим. Бахтиёр ака Муқимий номидаги мусиқали драма театрида режиссёр бўлиб иш бошлагач, мени шу ерга чақирдилар. Ўшанда 1993 йил — ўттиз саккиз ёшда эдим.

Турмуш ўртоғимга: "Кичкинамиз Нигора ҳам биринчи синфга чиқди, театрга қайтаман", — деганимда, шу ёшимда саҳнада нима ярата олишим мумкинлигига ишониб-ишонмай, кўнглим учун рози бўлганларини сўзларидан, кўзларидан сезганман.

Рустам Маъдиев (Аллоҳ раҳмат қилсин) менга роллар бера бошладилар. Фақат оналар ролини топширишарди. Аввалига бунга кўниколмадим. Ўзим учун бу ҳолат омадсизликдек туюлар, бунга сабаб жарангдор, кучли овозим йўқлиги, яхши қўшиқ айтолмаслигим, деб ўйлардим. Бу театрдан ҳам кетмоқчи бўлганимда, устозимиз Фароғат Раҳматова: "Театрга сенга ўхшаш актёрлар керак. Бундан аввал ҳам қўшиқ айтмайдиган Омина Фаёзова, Турсунхон Жаъфарова каби санъаткорлар ишлашган", — деб қанотларига олдилар. Ўзларининг ролларини менга ўргата бошладилар. Шундан буён оналар, қайноналар ролини ўйнайман. Бора-бора ўзимни бошқача ролларда тасаввур этолмайдиган бўлиб қолдим. Ўзим яратаётган образларга ижодий ёндошаман. Ролнинг нимасидандир кўнглим тўлмаса, шуни меъёрига етказишга уринаман. Баъзи режиссёрлар бўлади, актёрни қолипга солиб қўяди, лекин санъаткорга ижод учун эркинлик керак.

— Аммо баъзи актёрларнинг томошабинни шунчаки кулдириш учун сценарийдан чиқиб "ижод" қилишлари бачканаликка айланиб кетади.

— Албатта, мен тўғри келса-келмаса, қаҳрамон табиатига ўтиришмаса ҳам нималарнидир қўшиш ҳақида гапирмаяпман. Баъзан асарни саҳнага қўйиш жараёнида ролнинг мукаммаллашуви учун режиссёрнинг ҳам, актёрнинг ҳам ижодкорлиги керак бўлади. Гап шу ҳақда. Ҳамкасбларим баъзан кулиб: «Саҳнада рол ўйнаётганда, вазиятдан келиб чиқиб ўзидан гап қўшиш одати Сойиб Хўжаевдан сенга қолган», — дейишади.

"Алпомиш"даги Кунтуғмиш ролимни жуда яхши кўраман, бошқа ролларга нисбатан менинг ижройимни эпизод деса бўлади. Лекин драмани қабул қилиш вақтида мутахассислар: "Унинг қўллари, бутун вужуди сўзлайди», — деганларида, шодлигимдан йиғлаб ўтирганман. Суръат ака Пўлатов билан отаона ролини ўйнаганмиз. Биласизми, устозлар билан ёнма-ён рол ижро этиш ҳам синов, ҳам ифтихор бўларкан. Саҳна усталарининг бўйига, салобатига қараб ўзингизни ўнглаб, мукаммалликка интилиб бораркансиз.

Хуллас, кичкина-кичкина роллардан бошлаб, "Суперқайнона"га етиб келдик-да!

— Ниҳоят орзуйингизга етибсизда! Ахир, бош қаҳрамон образини яратишни хоҳламайдиган актёр бўлмаса керак?

— Драматург Санжарали Имомов асар олиб келгандан бироз ўтиб қарасам, буйруқ чиқибди-да, Марям опам билан мени бош ролга тасдиқлашибди. Қўрқиб кетганман. Ўзбекистон халқ артисти Марям Ихтиёрованинг шиддати, салобати, гулдираган овози, маҳорати олдида мен ким бўлибман? Ҳаяжонданми, қўрқувданми шундай бир руҳий ҳолатга тушдимки, ўша куни кечқурун иситмам чиқиб кетди. Шу баҳона билан ўзимни четга олишни маъқул кўрдим, касаллик варақаси очдириб, икки ҳафта ишга чиқмадим. "Суперқайнона"нинг репетициялари бошланиб кетгач, «Хайрият, — дедим ўзимга. — Марям опам бутун юриш-туришлари билан ҳақиқий қайнона! Менга йўл бўлсин!» Лекин "Худо берса қулига чиқариб қўяр йўлига" деганларидак, ўша кунларда Хотин-қизлар қўмитаси Марям Ихтиёровани бир неча кунга ижодий сафарга вилоятга юборди-ю, режиссёр репетиция тўхтаб қолмаслиги учун мени ҳам ишга жалб қилди. Ор-номус кучиданми, санъатнинг оҳанрабоси шумикин ё, ролга киришиб кетдим. Марям опамдан ҳукмдорлик, қайноналарга хос кўтаринкилик, шаҳд, саҳнада ўзини тута билишни ўргандим. Агар дунёда иккита яхши қайнона бўлса, биттаси менинг онажоним — қайнонам эдилар. У кишининг мактабидан олган сабоқларим ҳам асқотди. Спектакл тайёр бўлди. Битта ролни иккита актёр икки хил талқин қилдик. Шундан бўлса керак, Марям опамнинг ўз томошабинлари бор, менинг ўз мухлисларим...

— Демак, образ табиатига актёр эмас, актёрнинг табиатига образ мослаштирилган экан-да?

— Ахир, ҳаётда ҳамма қаттиққўл қайноналар ҳам битта қолипдан чиққан эмас-ку! Бу ролни ўйнаганимда ҳали ўзим қайнона бўлишим ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган пайтларим эди. Мен яратган қайнона оддийроқ, соддароқ, енгилувчанроқ, юмшоқроқ, вақти келганда келинларидан ҳам дакки еб қоладиган, лекин айёрроқ... барибир айттанини қилдиради — "супер"лиги шунда. Аслида, томошабин келинларга тинмай зўғум ўтказадиган қайнонани ёмон кўриб қолиши керак-ку! Мен эса уларнинг иссиқ нафасини ҳис этаман. Яъни томошабин сиз билан бирга яшаётганини сезиб турасиз. Буни, озгина бўлса-да, муваффақиятим деб биламан, ҳар қандай машҳурлик омадига алишмайман.

— Машҳур бўлишни истамайсизми?

— Ҳозир битта клипда суратга тушсангиз, кунига экранда неча бор кўринишингиз мумкин. Лекин ҳақиқий санъаткор учун бу машҳурлик йўли эмас. Баъзида менга: «Малика опа, кейинги пайтларда театрга гуррос-гуррос одам келмаётган бўлса, "Оталар сўзи"да чиқмайсизми? Танилишни хоҳламайсизми?» — дейишади. Мен танилиш учун эмас, кўнглим истаган ишни қилаётганимдан хурсандман. Ўзимдан кўнглим тўлмаган жойларим жуда кўп. Орзу қилган ролларим олдинда. Яна бир гап: актёрнинг оҳори тўкилмаслиги керак — Лутфихон аянинг, Маҳмуджон аканинг фазилатларидан мана шуни англаганман. Балки кимларгадир дазмолнинг симини токка уласанг ҳам таниш қиёфа чиқиб келавериши ёқар... Мен томошабиннинг меъдасига тегиб қолишдан қўрқаман. Ҳар замон-ҳар замонда кўрса ҳам, "Вой!" — дейишини истайман.

Санъаткорлар ҳам, санъатсеварлар ҳам табиатан жуда нозик одамлар. Уларнинг энсасини қотириб қўйишдан Худо сақласин. Агар битта мухлисим ўйнаган ролимни кўриш учун театрга келса, мен бахтлиман.

— Агар шундай имконият берилса, кундалик ҳаётда яшармидингиз ёки доимий саҳнада?

— Тақдиримга шукр қиламан. Баъзан ҳаётнинг икир-чикирлари, турмуш синовларини саҳнадаги ҳаётим билан енгаётганга, саҳна орқасидан чиқаётганимда ҳаётни янгидан бошлаётганга ўхшайман. Балким, ҳақиқатан ҳам саҳнада яшаётгандирмиз.

Театр санъатини тирик ҳужайрага ўхшатаман. У турли даврларда турли ҳолатда яшайди. "Маҳмуджон Ғофуров Тоҳирни ўйнаганда, томошабинлар театрнинг эшикларини бузгудек тирбанд бўларди», "Лутфихон ая агар ҳар куни ўйнасалар, мухлислари ҳар куни келарди", — каби гапларнинг ҳаммаси ҳақиқат. Шу ҳам ҳақиқатки, театрда ҳамма даврда яхши спектакллар бўлган. Бугун унинг тарғибот-ташвиқоти етарли савияда эмасми ёки тезкор замонда телеэкранлар, интернетлар одамларни ипсиз боғлаб олдими... билмадим?

— Бу театрга келганингизга ўн беш йил бўлибди, оз муддат эмас. Театрда саҳна ҳаётидан ташқари, чин инсонийлик, одамийлик анъаналари ҳам бўлиши керак...

— Ҳаётга келиш бор экан, ундан кетиш ҳам муқаррар. Бизга берилган умрда пешонага ёзилганини кўрмоқ — Аллоҳнинг иродаси, аммо қандай яшамоқ қайсидир маънода ўзимизга ҳам боғлиқ. Устоз санъаткор Маҳмуджон Ғофуров билан бир неча йил бирга ишладик, жуда нозик табиатли, зиёли, эътиборли одам эдилар. У кишининг бир оғиз гапи қанот бўлиб, осмонларга олиб чиқарди. Бир кун театрни кўрмасалар, туролмасдилар. Бундай одамларга ош берма, нон берма, лекин театр билан боғлиқ ришталарни узма. Фароғат опанинг ажойиб хислатлари бор: ҳалигача жамоамизнинг бошини қовуштириб юрадилар. Ибратли хотираларини кўп гапириб берадилар. Ҳар йили наврўзда сумалак қиладилар, барчамиз йиғиламиз.

Гарчанд мендан ёш бўлса-да, Ўзбекистон халқ артисти Зулайҳо Бойхоновани ҳам ўзимга устоз деб биламан. Айтишга қийналган қўшиқларимни ўргатади. Менимча, актёр қанча яшаса ҳам, ўрганишдан тўхтамаса керак. Кўп йилларимни оиламга, болаларимга бағишлаган бўлсам ҳам, устозларнинг ёрдамида тенгдошларимга етиб олдим, деб ўйлайман.

Институтда дарс берган домламиз Раҳим Сайфиддинов: "Сизлар буюк касбни танлагансизлар. Доим ёдингизда бўлсин, актёрнинг санъатини кўргани не-не улуғ зотлар келади, уни саҳнадан пастда ўтириб томоша қилади, олқишлайди", — дердилар.

Агар Аллоҳ умр берса ва шу театрга керак бўлсам, худди Лутфихон аям каби узоқ йиллар ўзимга муносиб ролларни ижро этиб юришни орзу қиламан.

P.S. Юқоридаги суҳбатни диктафондан қоғозга туширишим анча қийин бўлди. Чунки суҳбатдошим шунчалар сокин, паст овозда гапиргандики, айрим ўринларни англаш учун такрор-такрор диққатни жамлаб эшитишга тўғри келди. Аммо саҳнадаги Малика Қаюмова бутунлай бошқа олам: узун, тўкис ўзбекона кўйлак яраштан басавлат қайнонанинг юриш-туришларидан тортиб овозигача лаҳза сайин турланади. Номланишидан шунчаки маиший мавзудаги драма бўлиб туюлган асарнинг ғояси — ўйлаб-ўйламай хотин қўйиш, фарзандларни тирик етим қилишнинг шариатга, ўзбекчиликка асло тўғри келмайдиган шармандали оқибатларини актёрлар яхши очиб беришган. Малика Қаюмова чиндан ҳам ҳақиқий ҳаётини саҳнада яшаётгандек бўлиб туюлди менга.

Муҳтарама УЛУҒОВА суҳбатлашди.

МАДАНИЙ ҲАЁТ

Асрор Жўраев номидаги Самарқанд вилоят қўғирчоқ театрида Шаҳодат Усмонова ва Ирина Григореванинг «Баднафс сичқон» ҳамда «Приключения дядушки Ау» асарлари саҳналаштирилмоқда. Асосий ролларни Жамила Мардонова, Акбар Абдуллаев, Чарос Мардонова, Самир Шарипов, Анастасия Грунина, Светлана Беликова, Лариса Ли каби маҳоратли актёрлар ижро этмоқдалар. Меҳр-оқибат, дўстлик, бағрикенглик, сахийлик каби инсоний фазилатларни улуғловчи бу асарларга рассом Николай Султонов безак ишламоқда.

* * *

«Ёшлар йили» муносабати билан Сирдарё вилоят театри жамоаси Гулистон шаҳридаги касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ҳамда ўрта мактабларнинг талаба ва ўқувчилари учун Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Ўқимаган боланинг ҳоли» ёхуд «Падаркуш» асари асосидаги спектаклни ҳамда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Маликнинг «Заҳарли томчилар» (Маъмуржон Умаров инсценировкаси) драмаларини намойиш этдилар. Шунингдек, театр санъатига оид қизиқарли суҳбатлар бўлиб ўтди.

Айни вақтда ижодий жамоа Иномжон Турсуновнинг замондошларимиз ҳақида ҳикоя қилувчи «Фирибгар» асари устида ижодий изланишлар олиб бормоқда. 8-март байрами арафасида мазкур спектаклнинг премераси бўлиб ўтди.

* * *

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театри жамоаси драматург С.Хўжаниёзовнинг «Суймаганга суйкалма» асари устида ишламоқда. Асар мусиқаси муаллифлари Ж.Шомуротов ва О.Холиқов. Бош ролларни М.Усенов ва С.Аннақулова каби ёшлар ижро этмоқдалар.

* * *

Республика кўзи ожизлар кутубхонасида хотин-қизлар байрами муносабати билан жамиятнинг фидойи аёлларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти, кўзи ожизлар кутубхонаси раҳбарлари кўриш қобилияти чекланган фуқароларга ҳукуматимиз томонидан яратилаётган шарт-шароитлар, касб-малакаларини юксалтиришдаги ғамхўрлик ҳақида гапирдилар. Иштирокчиларга "Иффатли келин" ўқув маркази ва Кўзи ожизлар жамияти марказий бошқарувининг қимматбаҳо совғалари тақдим этилди.

М.КАРИМОВА

БИР СПЕКТАКЛДА ИККИ ЖИЗЕЛ

Алишер Навоий номидаги давлат академик Катта театрида ҳали бунақаси бўлмаганди. Жаҳон саҳналарини безаб келаётган Аданнинг "Жизел" балетида Жизел партиясини иккита балерина — биринчи актда истеъдодли солист Динара Мустахишева, иккинчисида П.Чайковский номидаги "Тойота—сити балет компани" солисти Кудо Сайна ўйнадилар.

Ўнлаб йиллар мобайнида жаҳон саҳналарида ўз маҳоратини намоён қилиб келаётган ўзбек балетининг қанчалик профессионаллигини биламиз. Бу ердаги хореография мактабининг фаолияти ҳам бизга маъқул. Икки театр ўртасидаги ижодий ҳамкорлик мустаҳкамланиб боради, деб ўйлайман.

— Барча аёлларни, хусусан, балериналарни 8-март байрами билан табриклайман, — деди Ўзбекистон халқ артисти Иброҳим Юсупов. — Уларга соғлиқ, ижодий илҳом, гўзаллик, ўз соҳаларига садоқат тилайман. Энг қийин, аммо энг нафис соҳа ижодкорлари бўлган балет артистларига гўзал парвозлар ёр бўлсин.

Сува Хитоши эса ўзи ва труппаси учун муқаддас бўлган сўзларни ёзиб беришни маъқул кўрди: "Балетни севинг!"

Ф.ФАХРУТДИНОВА

СУРАТДА: **Динара Мустахишева ва Кудо Сайна.**

КЎНГИЛ ҚУШИҚЛАРИ

"...Дунёда бирор-бир инсон йўққи, қўшиқ куйламаса ёки қўшиқни севмаса. Ҳар бир кўнгилнинг ўз қўшиғи бўлади. Жаннатмакон она Ўзбекистоннинг такрорланмас табиатидан илҳомланиб ёзган асарларим менинг кўнглим қўшиғидир", дейди истеъдодли рассом Тошпўлат Номозов.

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида очилган Т.Номозовнинг "Кўнгил қушиқлари..." шахсий кўргазмасига қўйилган суратларини кузатар эканмиз, айтмоқчи бўлган кўнгил сўзлари, келажак орзулари, тасаввурлари яратган асарларида яққол намоён бўлганига гувоҳ бўлдик.

Т.Номозов 1965 йили Қашқадарёнинг Шаҳрисабз туманида таваллуд топган. Балки бу сўлим гўшанинг табиати, гўзал манзаралари унда рассомликка меҳр уйғотгандир. Болаликдан санъатга бўлган иштиёқ уни кейинчалик П.П.Бенков номидаги Республика рассомлик билим юртига етаклаб келди. Ёш рассом бу билан чекланиб қолмай, 2006 йили Тошкент давлат Педагогика университетини ҳам тамомлади. У ҳозирда Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси.

Рассом ижод қилиш билан бирга, мураббий сифатида ҳам Қашқадарё тасвирий ва амалий санъат лицейида шогирдларига тасвирий санъат сирларидан сабоқ бериб келмоқда. Меҳнатлари самараси сифатида шогирдлари Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида ҳамда Республика рассомлик коллежида таҳсил олмоқдалар.

Кўргазмани Бадиий кўргазмалар дирекцияси раиси ўринбосари Ж.Миртожиев кириш сўзи билан очиб, мустақиллик йилларида мусаввирларга яратилаётган шарт-шароитлар ва имкониятларни ҳамда Т.Номозовнинг ижодий фаолияти, устоз-шогирдчилик анъаналарини алоҳида эътироф этди. Шундан сўнг рассомнинг устозлари ва шогидлари дил сўзларини изҳор қилдилар.

Тошпўлат Номозов асарларида жаннатмакон ўлкамизнинг сўлим жойларидан бири бўлган Шаҳрисабз табиати, бепоён далалари, серҳосил боғлари, қишлоқ ҳаёти, у ердаги одамларнинг турмуш тарзи, қувноқ болаларнинг образлари илиқ ва бетакрор рангларда ўзига хос акс эттирилган.

Рассомнинг асарлари республика, вилоят музейлари, "Чубин" галереяси ҳамда Германия, Италия, Япония, Россия каби 30 дан ортиқ хорижий мамлакатларнинг хусусий тўпламларидан муносиб ўрин олган.

Шунингдек, Т.Номозов юртимизда ўтказиб келинаётган Наврўз, Мустақиллик ва бошқа шу каби байрамларнинг саҳна безакларини ишлашда ҳам фаол ижод қилмоқда.

Нафиса ИСМАТУЛЛАЕВА

Кўргазма залларида

БАУХАУС СУРАТЛАРИ

Ваймардаги архитектор Валтер Гропиус асос солган Баухаус Германия авангард санъатининг академик маркази бўлиб, бу ерда санъат, бадиий ҳунармандчилик ва санъат дизайнини уйғунлаштириш бўйича тажрибалар ўтказилади.

Баухаус фаолиятида фотосурат санъати муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, профессионал фотосуратларга алоҳида эътибор билан қаралади. Баухаус фото асарлари мутахассислар ва мухлислар орасида яхши маълум. Мазкур асарлар билан танишишни истаган юртдошларимиз учун Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида "Баухаус фотографияси" (раҳбар Вулф Герцогенрат) номли кўргазма очилди. Галерея ҳамда Тошкентдаги Гёте институти ҳамкорлигида ташкил этилган бу кўргазмада қирқдан ортиқ фотосуратчиларнинг 124 та оригинал фотоасари намойиш этилмоқда.

Тадбир давомида "Баухаус — афсона" (муаллиф Юлия Каве), "Валтер Гропиус" (муаллиф Детлеф-Михаел Беренс), "Валтер Гропиус: Баухаус Дессауда" (Фредерик Компен) ҳужжатли филмлари, учта фотосуратчи — Илзе Бинг, Грете Штерн, Эллен Ауэрбах ҳақидаги филм портретлар (Антония Лерх) намойиш этилади. Тошкент Фото уйи кўмагида Андреас Рост иштирокида маҳорат дарслари бўлиб ўтади.

"TVart — 2007" ғолиблари

Ўзбекистон давлат Санъат институтида ёшлар ўртасида "TVart — 2007" кўрик-танлови эълон қилинган эди. Унда энг яхши санъатшунос журналист иши, сценарий муаллифи, фото рассоми, филм ва клип муаллифи, курс иши, режиссёр, монтаж устаси, оператор ҳамда овоз режиссёри каби 10 та номинация бўйича институтнинг 100 га яқин талабалари қатнашдилар.

Куни кеча, мазкур танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Мадина Саъдуллаева, Аҳрор Зуфаров, Шуҳрат Омонмуродов, Баҳодир Йўлдошев, Ҳаёт Ҳамроев, Умид Нормуродов, Алишер Набиев, Наримон Султонхўжаев, Озод Шамсиддинов, Жаҳонгир Аҳмедов сингари истеъдодли талабаларнинг ижодий ишлари ҳайъат аъзолари томонидан ғолибликка муносиб деб топилди.

Нурилло НЎЪМОНОВ, Ўзбекистон давлат Санъат институти талабаси

БАСТАКОР ХОТИРАСИ

Мусиқа ихлосмандларига композитор Борис Зейдманнинг номи жуда яхши таниш. Унинг "Маскарад", "Ақллилик балоси", "Полк ўғли", "Янги йил кечаси", "Граф Монте Кристо" каби опера-балет асарлари, симфониялари, чолғу концертлари, сюиталари, пиеса ва романлари мусиқа жамоатчилиги орасида анча машҳур.

Тошкентга келгунга қадар Б.Зейдман бой ижодий ва педагогик тажрибага эга эди. Бу ерга келгандан сўнг Консерваторияда педагогик фаолиятини давом эттирди. Шунингдек, таниқли ўзбек бастакорлари Т.Содиқов, Ю.Ражабий ва Д.Зокировлар билан биргаликда "Зайнаб ва Омон" операси (шоира Зулфия либреттоси) мусиқасини чолғулаштириш устида ишлади. Б.Зейдман Ўзбекистон мусиқа ҳаётида фаол қатнашиш билан бирга кўплаб композиторлар ва педагоглар тайёрлашга ҳисса қўшди. Улар орасида В.Вилданов, А.Мансуров, Т.Қурбонов, Д.Омонуллаева, Н.Зокиров, Р.Ҳамроев, Д.Сайдаминова, И.Гулзарова, Ф.И.Янов-Яновский ва бошқа таниқли ижодкорлар бор. Айниқса, унинг машҳур ўзбек композитори Мухтор Ашрафий билан дўстлигига ҳамманинг ҳаваси келарди.

Яқинда М.Ашрафий уй-музейида Ўзбекистон халқ артисти, хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Б.Зейдманнинг 100 йиллиги муносабати билан хотира кечаси бўлиб ўтди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Бастакорлар уюшмаси ва М.Ашрафий уй-музейи ташкил этган бу кечада унинг шогирдлари, мухлислари, жамоатчилик вакиллари қатнашдилар. Концертда Б.Зейдман ва унинг шогирдлари асарлари янгради.

Лариса ЛЕВТЕЕВА

Изтироб

ЯНА БАҲОР ҚАЙТАРМИКАН?..

Бир куни чойхона олдидан ўтиб кетаётиб яримлаб қолган шишага маҳзун термулиб ўтирган одамга кўзим тушди. Танишдек кўрингани учун, яқинроқ бориб қарасам, таниш ижодкор. Унинг бу аҳволда ўтирганидан ҳайрон бўлиб, бироз истиҳола билан сўрадим:

— Устоз, яхшимисиз?

— Яхшиман, укажон, аммо юрагим ёниб боряпти!

— Нега?

— Сен, сенлар... муҳаббатни хор қилдиларинг...

Тўғриси, бундай жавоб эшитаман деб ўйламаган эдим. Ахир ёши қирқдан ошган одам бўлса, юраги муҳаббатдан ёнармикин? Ҳаёлимдан ўтаётганларни шоир акамиз сездилар чоғи:

— Ҳа, нега анграйиб қолдинг, қўрқма қизларни туш кўриб чиқадиган пайтим аллақачон ўтиб кетган. Мени қийнаётган нарса бошқа...

Шу кундан бошлаб, "Муҳаббат ўзи нима? Бу дунёда муҳаббат борми?", деган саволлар миямни чулғаб олди. Кўча-кўйда пана-панада учрашиб, беҳаёлик қилаётганларга кўзинг тушганда, "Ҳе, ўша севгисига" дегинг келади. Ачинарлиси, бундай ёшлар номуносиб хатти-ҳаракатларини мусаффо туйғу — муҳаббат билан боғлашаётганида. Атрофдагилар олдида ўзларини чин севишганлардек тутганлари билан, бир кун келиб ҳаммаси сароб бўлиб чиққанида, изтироб чекишдан ўзга чоралари қолмайди. Шуларни ўйлар экансиз, шоирнинг сўзлари аччиқ ҳақиқат эканига ишончингиз комил бўлади.

"Муҳаббат баланд деворлар билан ўралган улкан боғ эди. Деворлар ортидан фақат осмонни суяб турган азим чинорларгина кўринар, унинг шамолда ўйнаган хуш ифорларигина бизга насиб этарди. Бугун ўша боғнинг деворлари нураб боряпти. Гўзаллик ҳаёсизлик бағрига сингиб кетаяпти". Бу сўзларни қачонлардир ёндафтаримга ёзиб қўйган эканман.

Одамзод ўз ҳиссиётлари қурбонига айланиб борар экан, ишонч, садоқат, меҳр-оқибат каби туйғулар чекина бошлайди. Сенга чин муҳаббат изҳор қилаётган одам ҳам гўё ёлғончилар қаторидан жой олади. Ана шу лаҳзада бечора муҳаббат тиконлар орасида қисилган гул каби жон беради...

Шоир "бизнинг авлод бошқача севарди" деганида қанчалик ҳақ ё ноҳақ бўлганини билмайман, лекин ўша пайтларда яратилган қўшиқлар ҳали ҳам юрагимизнинг бир четида сақланиб келаётганини инкор эта олмаймиз.

Яна баҳор қайтармикан,
сен қайтмасанг,
Қушлар қўшиқ айтармикан,
сен айтмасанг.

Ёки

Нақадар яхшидир,
азиз севгилим,
Шу ёруғ дунёда
сенинг борлигинг.

Хўш, сизнингча, бугун шундай сўзи, оҳанги бор қўшиқлар нега яратилмаяпти? Нега улар юрагимизни аввалгидай ларзага келтирмаяпти? "Тоҳир ва Зуҳра", "Лайли ва Мажнун", "Фарҳод ва Ширин" сингари филмлар нега ишланмаяпти? Ахир, буларнинг бари инсонни яхшиликка, эзгуликка, бир-бирига меҳр-оқибатли, садоқатли бўлишга чорлайди-ку! Керак бўлса, ёшларда ана шундай туйғуларни шакллантиради.

Тенгдошим! Бизни ҳақиқий севгидан узоқлаштириб бораётган ўткинчи ҳиссиётларимизни жиловлашни ўрганайлик. Зеро, биз кураётган ҳаёт сохта муҳаббат эвазига қурбон бўлмасин. Бир-биримизни севиб, ардоқлаб яшашга не етсин!..

Элбек ЖУМАНОВ

Қарши

Газетхон илҳоми

ГУЛДИЁР КЕЛДИ

Минг шукур, ўлкам аро навбаҳор келди яна,
Ғунчада хандон уриб, гулдиёр келди яна.

Айланиб чархи фалак, шамсу ер бўлди яқин,
Васлидан фасли баҳор ҳуш бедор келди яна.

Муз эриб нур аксидан чашмалар кўҳ бағрида,
Кўз очиб оби зилол беғубор келди яна.

Тафт олган туфроқ-ла чин тиллашиб тухмин қадар,
Шод зироат аҳлига ифтихор келди яна.

Майсадан кийган либос, сабзада ялпиз ҳиди,
Ранг-баранг кўклам чирой, лолазор келди яна.

Турфа хил жон авжида, завқ ҳаёт ороми ҳам,
Нағмасин қушлар чалиб, бетакрор келди яна.

Чеҳраи оллар кулиб қаршилар Наврўзни хўб,
Олдима қаҳ-қаҳ отиб дўсту ёр келди яна.

Во ажаб, кўнгил тўлиб меҳр ила изҳор учун,
Назми дил девонидан бир ашъор келди яна.

Назирий кўксида қўл, яхшилик ният билан,
Қутлабон қошингга ким, хокисор келди яна.

Салимхон НАЗИРОВ

Поп тумани

ЕВРОПАНИНГ ЯШИЛ МАЙДОНЛАРИДА

Умрида бирор марта тўп тепмаган кишилар ҳам шу ҳафтанинг сешанба ва чоршанба кунлари Европа яшил майдонларидаги муросасиз футбол беллашувларидан хабардор бўлишди. Тонг отаргача давом этган бу учрашувларни юртимиздаги деярли барча футбол ишқибозлари катта қизиқиш билан томоша қилишди. Зеро, Европа чемпионлар лигасининг нимчорак баҳслари кутилган ва кутилмаган натижаларга бой бўлди.

"Миллионлар ўйини"га хос сеҳру жозиба аслида қандайлигини Италиянинг "Милан" ҳамда Лондоннинг "Арсенал" жамоалари кўрсатиб берди, десак муболаға бўлмас. Аксарият мутахассислар уларнинг илк учрашувида ҳисоб очилмаганини инобатга олишиб, Карло Анчелотти шогирдлари ўз "уйи"да "Арсенал"ни мағлуб этади, дея тахмин қилишганди. Лекин...

Ўйин шиддатли, тенг курашлар остида кечди, бироқ ҳужумлар уюштиришда "канонирлар"нинг устунлиги яққол сезилиб турди. "Арсенал" ярим ҳимоячиси Франсеска Фабрегаснинг илк хавфли зарбаси Желько Калач қўриқлаётган дарвоза тўсинга тегиб, италияликларни саросимага солиб қўйди. Ўйин охирлаб қолганда яна ўша Фабрегас рақиб дарвозасини ғоят чиройли тарзда аниқ нишонга олган бўлса, учрашувнинг қўшимча вақтида Эмануэль Адебайор "Милан"ни доғда қолдириб, яна битта гол урди ва барчасига якун ясади. Ўйин 2:0 ҳисобида лондонликлар фойдасига ҳал бўлди.

Мусобақанинг яна бир марказий учрашуви "Манчестер Юнайтед" ва "Лион" баҳсида Криштиану Роналду кириттан ягона гол англияликларни чорак финалга олиб чиқди: 1:0. Худди шундай ҳисоб билан "Барселона" "Селтик"ни мағлуб этиб кейинги босқичга йўл олди. Гол муаллифи — Хави.



Испаниянинг қироллик клуби — "Реал " чемпионлар лигасини тарк этди. Римда "Рома"га қарши тўп суриб 1:2 ҳисобида имкониятни бой берган мадридликлар ўз "уйи"даги жавоб учрашувида ҳам худди шундай натижа билан мағлубиятга учради. Ўйиннинг дастлабки дақиқаларида ҳар иккала жамоа эҳтиёткорлик билан тўп суришган бўлса, кейинчалик беллашув шиддатли тус олди. Учрашувда испанияликлар фаолроқ кўринишган бўлсалар-да, "Рома"нинг аниқ хатти-ҳаракатлари, қолаверса, 71-дақиқада рақиб жамоадан Пепенинг иккинчи бор "сариқ карточка" олиб майдондан четлатилиши италияликларга қўл келди. Орадан икки дақиқа ўтиб "Рома" ҳисобни очди.

Ажабланарлиси, яна икки дақиқа ўтар-ўтмас "Реал" сардори Рауль ҳисобни тенглаштирди. Лекин қўшимча вақтда "Рома" Икер Касилиас қўриқлаётган дарвозага иккинчи голни киритиб, қироллик клубини мусобақа билан хайрлашишга мажбур қилди.

"Челси" ўз уйида Грециянинг "Олимпиакос" жамоасини қабул қилиб, 3:0 ҳисобида аламли мағлубиятга учратди. Фрэнк Лэмпарднинг аниқ тўп оширишидан сўнг рақиб дарвозаси ишғол этилди ва унинг ўзи ҳам битта гол урди. Бу лондонлик ярим ҳимоячини учрашув қаҳрамонига айлантирди.

Германиянинг "Шальке" ҳамда Португалиянинг "Порту" жамоалари беллашуви ғолиби пенальтилар сериясида аниқланди. "Шальке" ўз тарихида илк бор чемпионлар лигасининг чорак финалига йўл олди.

Икки кун давом этган муросасиз баҳслардан сўнг кучли саккизталиқдан: "Манчестер Юнайтед", "Арсенал", "Барселона", "Челси", "Рома", "Фенербахче", "Шальке" жамоалари ўрин олди.

Сўнгги чорак финалчи 11 март куни аниқланади. Италиянинг "Интер" жамоаси ўз уйида Англиянинг "Ливерпуль" жамоасини қабул қилади. Эслатиб ўтамиз, "Интер" меҳмонда 0:2 ҳисобида мағлубиятга учраган. Ғоят қизиқарли ўтиши кутилаётган жавоб учрашувидан сўнг уч кун ўтиб, 14 март куни чорак финал учрашувларига қуръа ташланади.

Европанинг грант жамоалари ўрин олган мусобақанинг кейинги босқичлари янада муросасиз тус олиши тайин.

Ҳа, чиройли ўйиннинг завқи ўзгача! Айниқса, кўпдан буён ҳақиқий футболни соғиниб келаётган юртдошларимиз Европа яшил майдонлари шунқорлари ўйинидан баҳраманд бўлиш учун ҳеч иккиланмай тунни тонгга улайдилар...

Кейин эса Европа чемпионати... Хуллас, футбол байрами тобора яқинлашаётир.

Жамшид МАТЁҚУБОВ

СОВЧИЛАР

Бошланиши учинчи бетда.

Ҳусайнбек мамнунлик билан Темурбекка юзланаркан, нимагадир ишора қилди. Темурбек ҳам ўз навбатида "маъқул" дегандай бош иғади. Шундан сўнг, Ҳусайнбек қўйнидан зар боғичли чарм халтача чиқариб, хонтахта устига қўйди.

— Арзимас нишоналик келтириб эрдик, Ҳазрати Олиялари, маъқул топсалар Хонзода бегимга ўзим топширсам...

Унинг бу таклифи Хонлар бегимга ёқмаганлигини Темурбек кўриб турарди. Хонлар бегим нима дейишини билмай бир лаҳза каловланди. Бир Ҳусайнбекка, бир Темурбекка кўз ташларкан, ёнидаги хизматкор қизга секин шивирлади.

— Хонзода бегимга меҳмонлар хабарини етказинг ва кўришмоқ ниятлари борлигини билдиринг.

Сарой Мулк Хоним хизматкор қизнинг чеҳрасидаги муғомбирона табассумдан йигитларнинг ташрифи боисини англаб, вужудига яна совуқ ҳис ўрлади.

— Улуғ амир Ҳусайнбек... — Хизматкор қизнинг гапи бўғзида қолди. Сарой Мулк Хоним "сўзлама" ишораси билан икки қулоғини бекитди.

Унинг мармар каби оқиш юзлари бирдан қизарди, чақнаб турган қоп-қора қуралай кўзлари маҳзун тортди ва узун-узун киприклари орасидан тирқираб чиққан ёшларни хизматкор қизга кўрсатмаслик учун, шитоб билан хонаси томон юрди. У хонасига кирганда ҳаяжондан титрар, нафас олишга қийналиб ҳансирар, бутун вужуди изтироб ва аламдан жиқ терга тушган эди. Амир Қазағон сулоласи уни тасаввуридаги падари бузрукворининг қотили эди.

Унга бошқача сифат ҳам, ёрлиқ ҳам ёпиштириб бўлмасди. Шу боис, Ҳусайнбекнинг ҳозирги мазмундаги ташрифи ҳам, назарида, калтабинлик ва ҳақоратдан бошқа нарса эмасдай туюлмоқда эди.

Жаҳли чиққанда "астағфуруллоҳ" калимасини ўнгача санайдиган Сарой Мулк Хоним ҳаяжони сусая бошлагач, Ҳусайнбекнинг ёнида бегона йигит борлигини, шу боис, амирга муносиб жавоб қилмоқ жоизлигини ҳис этиб кийинмоққа тутинди.

Сарой Мулк Хоним остонада кўриниши билан Ҳусайнбек ҳам, Темурбек ҳам ўринларидан даст туришди.

Сарой Мулк Хоним эгнида этаклари тўпиғигача узун ва бурмаси сариқ ранг хитойи шоҳи кўйлак, оёғига кумуш тасмали шиппак кийиб олган эди. Бошига ташланган рўмоли юпқалигидан олтин пўпакли узун сочлари шундоқ кўриниб турарди. Бир қарашдаёқ кўнгилга хуш ёқувчи оппоқ кулча юзлари, бодом қовоқлари, жиддийлашганда ҳам кулиб турувчи қуралай кўзлари, пасти қалинроқ ғунча лаблари иккала йигитни ҳам ҳайратга солган эди.

— Хуш кўрдик, Хонзодам. — Тавозе билан эгилди Ҳусайнбек.

— Хуш вақт бўлингиз...

Сарой Мулк Хоним кўзларини ерга қадаганича бош эгиб, йигитлар билан сўрашаркан, Темурбекка ўғринча назар ташлади.

Темурбекнинг ҳам нигоҳи бир зум у билан тўқнашди. Сарой Мулк Хоним унинг нигоҳида аллақандай бир туйғуни илғаркан, қизариб, дарров кўзини олди.

Ўртага бир лаҳзалик сукунат чўқди.

Шу орада хизматкор Хонлар бегимнинг шаҳар кутволининг хабарчиси йўқлаётганини билдирди. Йигитларга ҳам бу хабар ёқиб тушди. Хонлар бегимсиз эмин-эркин суҳбат бошланди.

Ҳусайнбек имтиҳон қилаётгандек, гап мавзусини ҳар соҳага буриб, фикр сўрар, ёшига нисбатан сокин ва мулойим сўзлаётган Сарой Мулк Хонимнинг жавобларидан ҳайратланиб, Темурбекка қараб-қараб қўярди.

Темурбек Сарой Мулк Хоним ҳақида опаси Қутлуғ Туркон Оғодан кўп яхши фикрлар эшитган бўлса-да, унинг бу қадар тарбияли ва зукколигини тасаввурига келтирмаган эди.

Лекин Сарой Мулк Хоним ҳозир сўзамоллигини кўз-кўз қилмоқ ёки билимли, маърифатли, истеъдодли эканлигини Ҳусайнбекка кўрсатиб қўймоқ учун эмас, балки бир қарашдаёқ илиқ нигоҳи билан кўнглини ўқий олган Темурбекнинг қулоқларига сўзлари хуш келаётганини ҳис эттани учун, беихтиёр, очилиб сўзламоқда эди.

Темурбек юрагининг туб-тубидан туғён ура бошлаган ҳисларини сиртига чиқармаслик, юз ифодасида зоҳир этмаслик учун, кўзларини ерга тикканича, бошини эгиб олган эди.

Хонлар бегимнинг кириши уларнинг гапини бўлди. Танишув ва суҳбатдан кўнгли тўлган Ҳусайнбек хонтахта устидаги чарм халтани очиб, ичидан олмос кўзли узук ва зирак олди.

— Бул ҳадя танишувимиздан хотира бўлсин, — Ҳусайнбек тақинчоқларни Сарой Мулк Хонимга узатди.

Сарой Мулк Хонимнинг юзларига қон урилгандай дувва қизарди. У ялт этиб Темурбекка қараркан, оҳистагина "ташаккур" деди, лекин олмади. Қўли ҳавода қолган Ҳусайнбек изза бўлганидан томоқ қирганича, Хонлар бегимга савол назари билан ўгирилди.

— Эсдаликка шошилманг Бек, эшикларимиз сиз учун ҳамиша очиқ, — Хонлар бегим Ҳусайнбекка ҳам, Темурбекка ҳам алоҳида-алоҳида таъкидлади.

— Хотира ва совға мавриди қочмас. Сиз, Хонзода билан яна суҳбатлашинг, чунки сиз учун-да, Сарой Мулк Хоним учунда йўлдош танламоқ кўп масъулиятли. Сизлар элнинг устидаги улуғсизлар!..

— Иншооллоҳ, мен адашмасмен, Ҳазрати Олиялари, — Ҳусайнбек жўраси олдида рад жавоби эшитишидан қўрқиб, тақинчоқларни шоша-пиша Хонларбегим томон сурди. — Сарой Мулк Хоним улуғ саройларнинг маликаси бўлмоғига иймоним комил!

Хонлар бегим ўткир кўзларини Ҳусайнбекка тикканича, жим қолди. Кейин қизининг кўнглини билмоқ мақсадида унга қаради. Сарой Мулк Хонимнинг нигоҳларида изтиробдан ўзга нарсани кўрмади.

Хонлар бегим ўртада пайдо бўлган совуқликни чуқурлаштирмаслик учун, меҳмонларни дастурхонга таклиф қилди.

Авзойи бузилган Ҳусайнбек кўнглида кечаётган фикрларни билдирмасликка тиришиб, тушликка рози бўлди.

— Маликам, жўрамиз Мусабекнинг таърифлашича, Сиз, улуғ чавандоз Мутал Баҳодирнинг олқишига сазовор бўлиб эмишсиз. —Ўртадаги сукунатни бузиб, гап бошлади Ҳусайнбек, дастурхон атрофига ўтиришгач.

Сарой Мулк Хоним қизариб, ерга қаради.

— Мутал Баҳодир катта рағбат билан сўзламишлар...

— Бул таърифни синаб кўрмоқ фурсатимиз бор. Боз устига дўстимиз Темурбек Тарағайнинг чавандозлик истеъдоди кўп мукаммалдур, — Ҳусайнбек шундай дея, Темурбекка юзланди, — ҳакамлик қила билур...

—Мен ҳавасманд бир шогирдмен... — қизариб эътироз билдирди Сарой Мулк Хоним ва ҳазил аралаш қўшиб қўйди:

— Сизлар-ла чопишмоққа кўп қовун пишиғи бор...

Темурбек ялт этиб Сарой Мулк Хонимга қаради. Сарой Мулк Хоним унинг нигоҳида яна бояги иссиқ ифодани кўрди. Кўнгли бир қалқиб тушди.

Хонлар бегимнинг хаёли эса тамоман бошқа ёқда эди. Эрининг вафотидан кейин ҳувиллаб қолган хонадоннинг қачонлардир яна гавжумлашишини, талон-тарож бўлган давлатнинг яна ошиб-тошишини худодан сўраган эсада, бу бахтга эрининг қотиллари марҳамати билан эришишини хаёлига келтирмаган эди. Шу боис, йигитларнинг бугунги ташрифидан қувонишини ҳам, хафа бўлишини ҳам билмай дам қўнажак бахт қуши илинжида энтикар, дам калхат чангал солаётган қизининг тақдиридан хавотирга тушмоқда эди.

Ҳусайнбекнинг томоқ қириши Хонлар бегимнинг хаёлини бўлди.

— Энди бизларга, жавоб, Ҳазрати Олиялари.

У Хонлар бегимнинг жавобини ҳам кутмасдан ўрнидан тураркан Сарой Мулк Хонимга мулозамат қилди.

— Иншооллоҳ, бундан буён бир оёғимиз шу ерда бўлур!..

ЯНГИ МАҚОЛЛАР

Қўполнинг ўпганидан тўқолнинг тепгани яхши.

. . .

Қўполдан тўнгак айлансин.

. . .

Овсинлар иноқ бўлса, оға-ини чиноқ бўлмас.

. . .

Ароқ ичсанг маст қилур, аҳмоқ билан дўст қилур.

. . .

Бермас қизнинг қалини кўп.

. . .

Юлғич юлиб тўймайди.

. . .

Пиёзнинг пўсти кўп, ёмоннинг дўсти кўп.

. . .

Айтишсанг сўз чиқади, туртишсанг кўз чиқади.

Тўпловчи
Ҳусанбой ТОЖИМАТОВ

Азиз муштарийлар!

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати"га 2008 йил учун

обуна давом этмоқда.

Узоқ йиллик самарали ҳамкорлигимиз давом этишини истасангиз, обунани вақтида расмийлаштириб қўйишни унутманг!

Газетамиз изчил, мазмунли ва қизиқарли чиқиши сиз азиз газетхонларга ҳам боғлиқ. Бунинг учун уни йил давомида ўқишингиз, таклиф, фикр ва мулоҳазаларингизни таҳририятга ёзиб юборишингиз зарур.

Обуна чекланмаган.

Нашр кўрсаткичимиз — 222

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ҳ.Ҳ.Ниёзий номидаги республика мусиқа коллежи жамоаси коллеж директори Ботир Матёқубовга отаси **Жуманиёз МАТЁҚУБОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз:
Котибият — 236-56-50 uzasziyoli@list.ru
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-49-93 Санъат бўлими: 236-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55 Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи — Иқбол ҚЎШШАЕВА
Саҳифаловчи — Байрамали МУҚИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 22.40.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0283-рақам билан рўйхатга олинган. А — 6333. Буюртма Г — 248. Ҳажми — 5 босма табоқ.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6 7 8

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН